



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
22-aprel
chorshanba
№ 16 (1494)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqq boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ hurriyatuz@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

МЕДИАҲАФТАЛИК СУРХОНДАРЁДА ҚИЗГИН ЎТДИ

Мамлакатимиздаги йилнинг энг йирик, муҳим таълимий-амалий, журналистлар, блогерлар матбуот котибларини ягона платформага бирлаштирган лойиҳаси Сурхондарё вилоятида ўтказилди.



Мазкур "Медиаҳафталик" манзили "Термиз халқаро савдо маркази" эркин савдо зонаси бўлди. Унда 600 дан зиёд иштирокчилар бир майдонда жам бўлиб, ўзбек медиамаконининг бугунги қиёфаси, уни янги босқичга олиб чиқиш, медиахафсизлик чораларини кучайтириш, рақамли трансформация жараёнлари, сунъий интеллектдан самарали фойдаланиш каби долзарб масалаларни муҳокама этдилар.

Шунингдек, кўёшли воҳа медиаҳафталигида муҳаррирлар, мухбирлар, оператор ва монтаж усталари учун тасвирга олишнинг замонавий усуллари, рақамли трансформация жараёнлари, ахборотларни аудиторияга аниқ ва тезкор етказиш бўйича мастер-класслар ҳам ўтказилди.

Таъкидлаш жоиз, мазкур муҳим аҳамиятга эга медиажараёнлар тадбирини республикамиз оммавий ахборот воситалари вакиллари тўғридан-тўғри ва жонли эфирларда кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этдилар.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Шиддатли давр бугун оммавий ахборот воситаларидан янгича назар, фаоллик, янги тенденциялар, ахборот узатиш ва кенг жамоатчиликка етказишда замонавий тамойилларга амал этиш заруратини талаб қилмоқда.



Айни шу мақсадлар тақомилига кўра, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг ҳудудий бўлимларида навбатдаги вазифалар таҳлил этилмоқда.

Жумладан, Термиз шаҳрида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлимининг навбатдаги умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда ҳудудий бўлимининг 2021–2025 йиллардаги фаолияти ҳисоботи тингланиб, журналистлар учун яратилган имкониятлар ва соҳани ривожлантириш бўйича режалар муҳокама қилинди.

Унда қайд этилганидек, вилоятда айни пайтда 34 та босма нашр, 3 та телевидение, битта радио, 4 та интернет нашри фаолият юритмоқда. ОАВлар тахририятлари томонидан грант лойиҳаларининг татбиқ этилганлиги, журналистларни қўллаб-қувватлашга эътибор, ўтказилаётган кўрик-танловлар ҳамда ижодий клублар фаолияти ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Умумий йиғилишда назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботи эшитилди. Ҳудудий бўлим бoshқарувининг янги таркиби, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг республика конференциясига 3 нафар делегат сайланди. Шунингдек, бўлимининг 2026–2030 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси" ҳам тасдиқланди.

Йиғилишда янги қабул қилинган аъзоларга уюшманинг аъзолик гувоҳномалари тантанали топширилди. Ҳудудий мажлис ишида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раҳбарияти иштирок этди.

4-6

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!



“ОЛТИН ҚАЛАМ” XX МИЛЛИЙ МУКОФОТИ УЧУН ХАЛҚАРО ТАНЛОВ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, Янги Ўзбекистон руҳига мос янгича тафаккур тарзини шакллантириш, миллий контентни бойитиш, юртимизда инсон қадрини улуғлаш, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, жамиятимизда очиқлик ва ошкоралик муҳитини мустаҳкамлаш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-тахлилий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни рағбатлантириш мақсадида “Олтин қалам” XX Миллий мукофоти учун халқаро танловни эълон қилади.

Асосий мукофотлар:
1 та Бош миллий мукофот

Телевидение йўналиши бўйича:
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);

Радио йўналиши бўйича:
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);

Босма нашрлар йўналиши бўйича:
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);

Интернет нашрлари йўналиши бўйича:
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар).

Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун – 1 та биринчи ўрин, 4 та иккинчи ўрин (ТВ, ра-

дио, босма ва интернет нашрлари йўналишлари бўйича).

Шунингдек, 12 та рағбатлантирувчи номинация жорий этилади. Танловнинг рағбатлантирувчи номинациялари бўйича қўшимча эълон берилмади.

Танлов ғолиб ва совриндорларига:

Танлов Бош миллий мукофоти соҳибига махсус диплом, “Олтин қалам” статуткаси ва энгил автомобиль тантанали равишда топширилади.

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” статуткаси ва базавий ҳисоблашнинг 200 баробари миқдорда пул мукофоти билан;

иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” статуткаси ва базавий ҳисоблашнинг 175 баробари миқдорда пул мукофоти билан;

учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” статуткаси ва базавий ҳисоблашнинг 150 баробари миқдорда пул мукофоти билан;

танловнинг рағбатлантирувчи номинациялари ғолиблари диплом, “Олтин қалам” статуткаси ва базавий ҳисоблашнинг 100 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Танловда ҳар бир иштирокчининг 2025 йил 22 апрелдан 2026 йил 22 апрелгача босма ва интернет нашрларида эълон қилинган, радио ва телевидениеда эфирга узатилган 5 тадан 7 тагача материаллари кўриб чиқилади.

Агар ижодий жамоа – газета тахририяти танловга қатнашадиган бўлса, газетанинг 5 тадан 7 тагача сони, теле ёки радиоканал жамоаси танловда иштирок этадиган бўлса, 5 тадан 7 тагача энг яхши курсатув ёки энг яхши эшиттириш-



нинг электрон варианты (ёхуд ҳаволаси) илова қилинади.

“2025 йилда чоп этилган публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун” рағбатлантирувчи номинацияси бўйича танловда қатнашиш истагида бўлганлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига китобидан бир дونا тақдим этади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар ҳам илова қилинади:

муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисидаги қисқача маълумот (объектсўвма);
муаллифнинг паспорти ёки ID-карта нусхаси, телефон рақами.

Жамоавий иштирок этувчи ОАВнинг рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси ва ташкилот раҳбарининг паспорти ёки ID-карта нусхаси.

Танловга ижодий ишлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари орқали, шунингдек, муаллифлардан тўғридан-тўғри электрон шаклда танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб жорий йил 22 майга қадар қабул қилинади.

Матбуот йўналиши бўйича ижодий ишлар газета ёки журналда эълон қилин-

ган материалларнинг нусхаси (pdf форматда);

интернет нашрлари бўйича материалларнинг ҳаволаси (линк, ссылкаси) кўрсатилган ҳолда;

телевидение бўйича видеоматериаллар (3 дақиқадан 30 дақиқача телеграм форматда (аннотацияси, қисқача мазмун баёни билан));

радио йўналиши бўйича аудиоматериаллар (3 дақиқадан 30 дақиқача, аннотацияси, қисқача мазмун баёни билан);

рағбатлантирувчи номинация – фотожурналистика бўйича ижодий ишлар (JPEG, TIFF ва PNG форматда аннотацияси, қисқача мазмун баёни билан)

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг info@journalistlar.uz электрон манзили ҳамда “Telegram” мессенжерда +998-70-484-71-79 телефон рақамига очилган “OLTIN QALAM 2026” саҳифага юборилиши сўралади.

“Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг ғолиб ва совриндорлари 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тадбирида тантанали равишда тақдирланади.

Мурожаат учун телефонлар:
71-244-37-87, 71-244-64-62.

ХАВОТИР



ЕРНИНГ ИККИНЧИ НУСХАСИ ЙЎҚ-КУ!

Кейинги пайтларда атроф-муҳитни асраш, экологияга бўлган муносабатни ижобий томонга ўзгартириш, айтиш мумкинки, “ҳаёт-мамонт” масаласига айланди, десак, муболаға бўлмайди. Ўзбекистон пойтахти дунёдаги энг экологик нотоза шаҳарлардан бирига айланиб қолди. Бу кўрсаткич ўз-ўзидан юзага келгани йўқ, албатта. Бари табиатга бўлган муносабатимиз туфайли.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Yashil makon” умумимиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш, юртимизни дов-дарактлар билан янада бойитишга катта эътибор бераётгани, бу лойиҳа бутун республикамизда жадал амалга

оширилаётгани таҳсинга сазовордир. Зеро, қаерда яшиллик, дарактлар, табиий усимликлар кўп бўлса, ўша ерда тоза ҳаво юқори бўлади. Экология мусаффолашади. Бу оддий ҳақиқат, албатта.

Сўнги йилларда юртимиздаги экологик ҳолат барчамизни бирдек хавотирга солмоқда. Бир вақтлар Орол денгизининг қуриши юракларни оғритган бўлса, бугунги кунда ҳавонинг кескин ифлосланиши, ичимлик суви захираларининг камайиб бориши, яшил ҳудудларнинг қисқариши каби муаммолар кун тартибидан тушмаяпти. Бу ҳолатлар нафақат табиат, балки инсон саломатлиги ва келажаги учун ҳам жиддий хавф тугдирмоқда.

8-6

ШУУР

Фозил ФАРҲОД

ЕНГИЛМАС РУҲ БИЛАН ЭКАВЕРИНГ СЎЗ

ТУРКИСТОН

Айтадилар, ёлғиз отнинг чанги чиқмас,
Чанги чиқса ҳамки, дерлар, донги чиқмас!

Бирлашмаса, катта эл ҳам Ватан бўлмас,
Ватан бўлса ҳамки, ундан кўнгил тўлмас!

Гоҳи мағриб, гоҳ шимолдан ёв келади,
Мудроқ элнинг душманлари дов келади.

Турклар аслан ўр келади, ўр келади,
Ўзи ўжар зўр келади, зўр келади!

Биров унга тегинмаса, у ҳам тегмас,
Худойимдан ўзгасига бўйин эгмас!

Уч юз миллион халқ – кўшин, аскар эрур,
Уч юз миллион халқ – қалқон, лашкар эрур!

Асрамасанг, тинч осмон ҳам мангу эмас,
Фақат ожиз, соткин одам Ватан демас!

Бола тили чиқиб илк бор – Ватан десин,
Йигит-қизлар номусим, ор – Ватан десин!

Султондан то фаррошгача – Ватан десин,
Устоздан то саррофгача – Ватан десин!

Ёт элларда юрган юртдош – Ватан десин,
Дарди сойдаи тошган даррдош – Ватан десин!

Умидсиз-у жондан тўйган – Ватан десин,
Боласини ерга қўйган – Ватан десин!

Кимга бўлса дунёси тор – Ватан десин,
Калимадан аввал сўнг бор – Ватан десин!

Бирлашгани бўлиб бўлмас, барча билсин,
Бу бирликка душманлар ҳам қойил қолсин!

Туронни биз бир неча бор бой бергандик,
Ушанда, ҳа, еру кўёш, ой бергандик!

Боламиздай асрай олсак, кўнглимиз тўқ,
Бу очунда бошқа Ватан – Туркистон йўқ!

7-6

✓ МУЖДА

АҚШда “Улуғ Амир ва Донна Мария” фильми премьераси бўлиб ўтди. Фильм Мадрид ва Лондонда ҳам намоиш этилади

АҚШдаги нуфузли *Жорж Вашингтон университетида буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темури таваллудининг 690 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.*

Тадбирнинг асосий воқеаси — “Улуғ Амир ва Донна Мария” бадий фильмининг премьераси бўлди. Марказий Осиё тарихий меросини оммалаштириш ва маданиятлараро мулоқотни мустаҳкамлашга қаратилган ушбу намоиш Америка жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди.

Учрашувда АҚШ Давлат департаменти вакиллари, тарихчи олимлар, сиёсатшунослар,

фақат ҳарбий тарих, балки самарали давлат бошқаруви тизими, дипломатия ва илм-фан ривожига қўшилган улкан ҳисса экани таъкидланди. Жумладан, Марказий Осиё дастури директори, профессор Себастьян Пейруз Амир Темурнинг стратегик маҳорати, меъморчилик ва шаҳарсозлик анъаналарини шакллантиришдаги етакчилик ролига юқори баҳо берди.

жани мустаҳкамлаш, Амир Темури меросини жаҳон миқёсида тарғиб қилиш ҳамда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги академик мулоқотни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, шу йилнинг 23 апрель куни Испания пойтахти Мадрид шаҳрида ҳам “Улуғ



Жорж Вашингтон университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳамда ватандошларимиздан иборат 150 нафардан ортиқ меҳмон иштирок этди.

Кино намоиши олдидан Амир Темурнинг тарихий роли ва унинг давридаги цивилизациявий ютуқларга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Мулоқот чоғида соҳибқирон мероси на-

XV асрнинг тарихий воқеалари ва замонавий сюжетини ўзида мужассам этган “Улуғ Амир ва Донна Мария” фильми томошабинларда катта таассурот қолдирди. Намоишдан сўнг иштирокчилар фан, таълим ва маданий дипломатия соҳасидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилди.

Вашингтонда ўтказилган ушбу тадбир Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий им-

Амир ва Донна Мария” бадий фильми намоиш қилинади.

Намоиш шаҳарнинг машҳур маданий-кўнгилчор марказларидан бири ҳисобланган “Palacio de Hielo” ҳудудида жойлашган замонавий кинотеатрда ўтказилди.

Тадбир мамлакатимизнинг Испаниядаги элчихонаси кўмағида Ўзбекистон Кинематография агентлиги билан ҳамкорликда таш-



кил этилмоқда. Шу билан бирга, ушбу хайрли ишга Испания ва Осиё давлатлари ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришда муҳим ўрин тутувчи нуфузли муассаса “Casa Asia” яқиндан ёрдам беради.

Меҳмонларни оддий киноасар эмас, балки тарих, санъат ва халқаро ҳамкорликни уйғунлаштирган ҳақиқий маданий воқеа кутмоқда. Фильм буюк ҳукмдор сиймоси, унинг даври ва меросини очиб бериб, мутахассислар ҳамда кенг аудиторияда катта қизиқиш уйғотди.

Кинематография агентлиги буюртмасига биноан “Ўзбекфильм” киностудияси ҳамда Туркиянинг “Kanguru” киностудияси ҳамкорлигида суратта олинган мазкур фильмда Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг шу пайтгача кўпчиликка номаълум бўлган ибратли жиҳатлари тўғрисида ҳикоя қилинади.

Таниқли адиб Хайридин Султон сценарийси асосида, истеъдодли кинорежиссёр Ёлқин Тўйчиев томонидан суратга олинган “Улуғ Амир ва Донна Мария” бадий фильми, аввало, мураккаб сюжет чизиги, мавзунинг

оригинал талқини, тарих ва бугунги кун воқеаларини уйғун ва муштарак ҳолда бадий акс эттириши, драматик интригаларга бойлиги билан томошабинлар эътиборини тортади.

Ушбу премьераси Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий меросини халқаро майдонда кенг тарғиб қилиш йўлида муҳим қадам бўлиши кутилмоқда.

Дарвоқе, “Буюк Амир ва Донна Мария” фильми жорий йилнинг 27 апрель куни Лондоннинг энг нуфузли ва тарихий кино залларидан бири бўлган “Regent Street Cinema” кинотеатрида Британия жамоатчилигига ҳам тақдим этилади.

Ўзбек киноижодкорларининг яратаётган асарлари жаҳонро буй кўрсатаётгани, дунё томошабинларини ҳам мафтун қилаётгани жуда қувончлидир.

“Дунё” АА,

Вашингтон шаҳри,
Мадрид шаҳри.

✓ НУҚТАИ НАЗАР

Бугунги кунда тил шунчаки мулоқот қуроли бўлишдан тўхтаб, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар оламидаги мураккаб тизимнинг асосий “хомашё”сига айланмоқда. Ҳар бир сўз, ибора ва жумла виртуал муҳитда қайта ишланиб, алгоритмлар ўзлаштириладиган ахборот шаклига қиряпти. Мазкур жараёнда миллий корпус — тилнинг электрон базаси энг муҳим пойдевор сифатида намоён бўлмоқда. Зеро, айнан шу манба орқали сунъий интеллект нутқимизни англайди, таҳлил қилади ва ундан фойдаланишни ўрганади. Бироқ ўринли бир савол туғилади: ушбу захира қандай матнлар ҳисобига шаклланипти? У фақат расмий ҳужжатлар, қуруқ илмий ҳисоботлардан иборатми ёки тилнинг “жон”ини, оҳанги ва эстетик жозибасини сақловчи бадий асарлар билан ҳам бойитилмоқдами?

Агар корпус бирқаламан манбалар асосига қурилса, интеллектуал тизимлар тилнинг фақат юзаси, техник қатламни ўзлаштирилади. Натijaда халқимизнинг руҳияти, сўзларимиздаги нозик маъно қатламлари ва адабий меросимиз рақамли эволюциядан четда қолиб кетиши мумкин. Афсуски, бугун ўзбек тилини оғир аҳволдаги бемордек қаровсиз қолдирдик. Тил яшаб қолиши учун фақат қундалик мулоқотда қўлланиши етарли эмас. У компьютерларнинг нутқи, смартфонларнинг “ақли” ва глобал тармоқнинг овозига айланиши шарт.

Ҳозирги замон тиллари икки йўл чорраҳасида турибди: биринчиси — дунёни бошқарадиган, ҳар қандай мураккаб саволга жавоб топа оладиган “интеллектуал” тиллар; иккинчиси — тараққиёт карвонидан узилиб қолган, фақат тор маиший доирада ишлатиладиган тиллар. Ҳўш, бу маънавий узилишга қандай чора топиш мумкин? Наҳот — баландпарвоз ҳайриқирларда эмас, балки тилимизнинг интернет оламидаги пойдевори бўлган мукамал рақамли базани яратишдир. Бу шунчаки китоблар жамланмаси эмас, балки тилимизнинг янги асрда яшаб қолиши учун ягона чиптасидир. Навоий меросидан тортиб замонавий адабиётимиз дурдоналарига қадар бўлган барча бойликлари компьютерлар “ҳазм қилмайдиган” форматга ўтказмас эканмиз, келажак технологиялари бизни тал олмайдди. Бундай пойдеворсиз ақлли машиналар ўзбекча фикрлашни ҳеч қачон ўрганамайдди ва бизга ҳақиқат ўзга тиллар қоплиги асосида жавоб беравермади.

Шу боис бу ҳаётини заруратни англаш ва тилимизни рақамли оламнинг

МИЛЛИЙ КОРПУСНИНГ РУҲИЯТИ

ёки тил фақат мулоқот воситасими?

тўлақонли аъзосига айлантириш бугун шунчаки илмий истак эмас, балки давлат даражасидаги стратегик вазифага айланди. Хусусан, ўзбек тилининг миллий корпусини ривожлантириш бўйича сўнгги йилларда бир қатор муҳим ислохотлар амалга оширилди. 2019 йилда “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди. Шунингдек, бу ҳужжат асосида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди. Ушбу департаментга давлат идораларининг ўзбек тилида иш юритишини назорат қилиш вазифаси юклатилди. 2020 йилда терминология тизимига жиддий эътибор қаратилиб, “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” ва янги илмий-техник терминология бўйича қўлланмалар яратилди. Шунингдек, турли фан соҳалари бўйича ўзбекча терминологияларни ривожлантиришга эътибор кучайди.

2020 йил 20 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармон билан 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди. Мазкур концепцияда давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Шу жумладан, ўзбек тилига оид барча илмий, назарий ва амалий маълумотларнинг ўзида жамлаган электрон кўришни ўзбек тили миллий корпусини яратиш вазифаси қўйилган. Бу борада илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилмоқда. Масалан, “Ўзбек тилининг миллий корпусини лойиҳалаш ва дастурий мажмуа ишлаб чиқиш” мавзусида бир гуруҳ илмий ва техник ходимлар томонидан амалий ишлар бошланди. Улар хорижий миллий корпусларни таҳлил қилиш асосида ўзбек тили миллий корпуси моделини яратиш, матнларни автоматик қайта ишлаш, токенлаш, леммалаш ва грамматик разметкаш моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш каби вазифаларни амалга оширмоқда. Шунингдек, интернет орқали ўзбек тили миллий корпусидан фойдаланиш учун “uzbekcorpora.uz” веб-сайти ишга туширилди. Аммо со-

ҳада ютуқлар билан бирга ҳали замон тақозосига кўра амалга оширилиши керак бўлган ишлар кўп. Қоғоздаги рақамлар ва ишга туширилган сайтлар бизни хотиржам қилмаслиги керак. Миллий корпус — бу шунчаки бир марта қуриб битказилган бино эмас, у мунтазам озиқлантириб турилиши керак бўлган тирик рақамли организмдир. Бугун олдида турган энг катта муаммо — сифатли маълумотларнинг етишмаслигидир. Гап шундаки, дунё тиллари интернет кенгликларидан ўз ҳудудини кенгайтириб бораётган бир пайтда, ўзбек тилидаги рақамли контент ҳали ҳам ўта қашшоқ бўлиб қолмоқда. Сунъий интеллект “фирқалари” учун унга миллионлаб сифатли матнлар керак. Агар биз корпусни фақат расмий ҳужжатлар ёки қуруқ ҳисоботлар билан тўлдирсак, эртага биз мулоқот қиладиган нейротармоқлар ҳам фақат “расмиятчилик” тилида сўйлайдиган бўлиб қолади. Шу ўринда савол пайдо бўлади: ўзбек тилининг рақамли корпуси ҳануз етарли даражада шаклланмаганининг сабаблари нимада?

“Ўзбек тилининг рақамли корпуси ҳануз етарли даражада шаклланмаганининг сабаблари кўп омилли ва табиий ривожланиш жараёни билан боғлиқ. Аввало, мавжуд матн ресурслари турли ташкилотлар ва илмий-амалий лойиҳалар доирасида шаклланган бўлиб, уларни ягона стандарт ва методология асосида бириктириш масаласи ҳали тўлиқ ҳал этилмаган. Бу эса корпусларнинг қамрови ва самарали қайта фойдаланиш имкониятларини чеклаб турибди. Иккинчидан, лингвистик ресурсларни яратиш — айниқса, морфологик ва синтактик аннотация — тизимли ёндашув ва муайян илмий тадқиқотлар ҳам қиладиган босқичма-босқич жараёндир. Учунчидан, ўзбек тилининг ўзига хос жиҳатлари, жумладан, турли ёзув тизимларининг (кирилл ва лотин) параллел қўлланилиши ҳамда тил бирликларининг хилма-хиллиги рақамлаштириш жараёнида қўшимча ёндашувларни талаб этди.

Ҳозирги кунда ўзбек тили рақамлаштириш босқичида ўтиш даврини бошдан кечирмоқда ва сўнгги йилларда бу йўналишда сезиларли фаоллашув кузатишмоқда. Сунъий интеллект ва табиий тилни қайта ишлаш (“NLP”) технологияларининг ривожланиши бу жараёни сезиларли тез-

лаштирмоқда: автоматик аннотация, нутқини таниш ва матн генерацияси каби йўналишларда дастлабки муваффақиятлар мавжуд. Шунга қарамай, келгуси босқичда асосий эътибор йирик ҳажмдаги, стандартлаштирилган ва очик рақамли корпусларни яра-



ларини ҳам ўз ичига олади. Айнан шу хилма-хиллик инглиз тилининг сунъий интеллект тизимларида табиий ва “тирик” кўринишда ишлашга замин яратган. Худди шундай, немис тилидаги “DeReKo” (“Deutsches Referenzkorpus”) ҳам кенг жанрли

матнларни қамраб олгани билан ажралиб туради. Унда нафақат расмий ҳужжатлар, балки газета материаллари ва бадий асарлар ҳам мавжуд бўлиб, бу тилнинг услубий бойлигини рақамли тизимда сақлаб қолишга хизмат қилади. Япон тилидаги “Balanced Corpus of Contemporary Written Japanese” (“BCCWJ”) эса илмий, публицистик ва бадий матнларни мувозанатли тарзда бирлаштирган ҳолда, тилнинг турли регистрларини сунъий интеллект учун “ўргатиш материалли” сифатида тақдим этади. Бу тажрибалар шуни кўрсатадики, миллий корпуснинг муваффақияти фақат техник тузилма ёки ҳажм билан эмас, балки унинг ички мувозанати — яъни расмий, илмий ва бадий қатламларнинг уйғунлиги билан белгиланади. Акс ҳолда, корпус техник жиҳатдан мукамал бўлса ҳам, тилнинг жонли руҳини тўлиқ акс эттири олмайдди.

Бу масаланинг жиддийлигини халқаро тажрибалар ҳам тасдиқлайди. Масалан, инглиз тилидаги “British National Corpus” (“BNC”) ва замонавий “Corpus of Contemporary American English” (“COCA”) нафақат расмий ва илмий матнларни, балки бадий адабиёт, оммавий ахборот воситалари ва жонли нутқ намуна-

ларини ҳам ўз ичига олади. Айнан шу хилма-хиллик инглиз тилининг сунъий интеллект тизимларида табиий ва “тирик” кўринишда ишлашга замин яратган. Худди шундай, немис тилидаги “DeReKo” (“Deutsches Referenzkorpus”) ҳам кенг жанрли

мулоқот воситаси эмас, балки миллатнинг рақамли мавжудлигини белгилайдиган асосий омилдир. Биз кўпинча ўзбекча маълумот излаймиз, аммо етарли ресурс бўлмагани учун

бошқа тилларга ўтишга мажбур бўламиз. Бу эса аста-секин ўзбек тилининг рақамли макондаги ўрнини заифлаштиради. Агар ўзбекча “Википедия”, илмий мақолалар ва энг муҳими, миллий тил корпуси бойитилмаса, тилимиз рақамли дунёда чекланган имкониятга эга тизим бўлиб қолади. Тил корпусини ривожлантириш эса фақат мутахассислар эмас, балки жамиятнинг умумий масъулиятидир. Бу жараёнда бадий асарлар алоҳида аҳамиятга эга, чунки улар тилнинг энг бой ва жонли қатламини ташкил этади. Шеър, роман ва ҳикоялар тилнинг образли тафаккури, метафора ва халқона ифодаларини сақлайди. Агар улар корпусга киритилмаса, тилнинг бадий имкониятлари йўқолиб боради ва у фақат расмий матнлар даражасида қолиб кетади. Натijaда ўзбек тили рақамли муҳитда тўлиқ ифода бера олмайдиган, “ярим тил” ҳолатига тушиб қолмоқда. Шу сабабли тилни рақамли дунёга тўлиқ олиб кириш, уни илмий ва бадий матнлар билан бойитиш — бу миллий маданият ва рақамли келажак масаласидир. Чунки ўз сўзига эга бўлган миллатгина ўз фикри ва келажакни мустақил қуришга қодир бўлади”, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси Хумора Зиёдуллаева.

Хумора Зиёдуллаеванинг мулоҳазалари бизни бир муҳим ҳақиқатга рўпара қилади, хусусан, бугун тилимизнинг рақамли дунёдаги тақдирини алгоритмларга эмас, балки бизнинг иродамиз ва масъулиятимизга боғлиқ. Миллий корпус — бу шунчаки жонсиз маълумотлар базаси эмас, балки миллатнинг рақамли оламдаги интеллектуал ва маънавий қиёфасидир. Агар бу улкан тизимнинг пойдеворини фақат қуруқ ҳисоботлар ва техник матнлар билан қурсак, биз келажак авлодга “совуқ” ва ҳиссиз бир мерос қолдираемиз.

Мақола бошида қўйилган саволга қайтсак, яъни миллий корпуснинг руҳиятини бадий асарлар шакллантирадими? Шубҳасиз, ҳа! Бадий адабиёт корпуси учун шунчаки матн манбаси эмас, балки унинг “юрэк уриши” ва “нафас олишидир”. Навоийнинг нафосати, Қодирийнинг тили ва замонавий адабиётимизнинг фалсафий теранлиги алгоритмларга нафақат гапиришни, балки ўзбекча “ҳис қилиш”ни ва “андиша билан фикрлаш”ни ўргатади. Биз тилни “кераксиз” тушунчалар қаторидан чиқариб, уни глобал технологиялар ақли ва интернетнинг овозига айлантиришимиз шарт. Зеро, рақамли маконда ўзининг бадий жозибаси ва интеллектуал салоҳиятига эга бўлмаган миллат ўзгалар томонидан қизилган мантқиқий қолиплар ичида гойиб бўлишга маҳкум бўлади.

Назим БҲУРОНОВ,
тадқиқотчи журналист.

САЛОМАТЛИК ФИДОЙИЛАРИ



Муқаддас Раҳимовага ҳозирги иш жойидан берилган тавсифномадаги икки-учта гапда унинг бутун ҳаёти мазмуни мужассамлашган: “Олий тоифали 50 йиллик меҳнат малакасига эга шифокор-аллерголог...”. Албатта, шифокорларнинг оламшумул хизмати ҳар қандай таъриф-тавсифларсиз ҳам катта-кичикка маълум. Қизиқ томони яна шундаки, бугунги шароитда “аллергия, аллергия” деган сўзлар ҳам тез-тез такрорланиб туради, лоф бўлмаса, 10-15 одамдан бирининг иши врач-аллергологга тушиб турибди. Ана шундай кўпчилиكنинг эътиборидаги касбда ярим аср бевуқсон ишлаш, ҳатто соҳада эътибор қозоншининг ўзи таҳсинга лойиқ. Ортда қолган йиллар, шубҳасиз, мақсад йўлидаги интилишлар, изланишлар, ўқиб-ўрганиш ва ҳаракатлар ортидаги қувонч ҳамда заҳматлар билан ўтган.

САФАР

“Ақчақул илҳомлари – 2026”: ИЖОДДАГИ ЯНГИ САҲИФА

Вагон бир маромада чайқалади. Поездининг энгил гижирлаши, рельсларнинг узлуксиз “тақ-туқ”и худди юрагим уришига қоришиб кетгандек. Дераза ортида Ақчақул ортада қолиб бораётган бўлса-да, ундан қолган гўзал хотирлар сатрларда, тасвирларда, чизгиларда ва юракларда муҳрланиб қолди.

Баъзан инсон ҳаётида шундай лаҳзалар бўладики, улар оддий воқеа эмас, балки ички оламни ўзгартирувчи бурилиш нуқтасига айланади. Бу лаҳзалар қалбни уйғотади, фикрни теранлаштиради ва инсонни ўзини янгидан кашф этишга ундайди. Мен учун “Ақчақул илҳомлари – 2026” республика танловий айнан шундай маънавий ва ижодий бурилиш бўлди. Бу нафақат танлов, балки руҳий саёҳат, ижодий синов ва янги ўфқлар сари очилган эшик эди.

Ҳар бир эшитилган шеър, ҳар бир олинган сабоқ ижодий дунёқарашимни бойитди. Энг муҳими, ўзимга бўлган ишончим мустаҳкамланди.

Бу жараёнда мен Абдулла Ориповнинг куйидаги мисраларини янада чуқурроқ ҳис қилдим:

*Гулдан гулга кўниб саҳар палладан,
Бол ари бол йўғар қирдан, даладан.
Шоир ҳам бол ари бўлсайди агар,
Ишин бошлар эди Элликқалъадан.*

Бу сатрлар ижод ва ижодкорнинг асл моҳиятини ниҳоятда теран ифодалайди. Шоир — бу тинимсиз изланишда бўлган, ҳаётнинг ҳар бир нуқтасидан маъно терувчи “бол ари”-дир. У ҳеч қачон тўхтамайди, доимо ҳаракатда, доимо изланишда бўлади.

АҚЧАҚҮЛ

*Қуёш тиккаяди, қизийди жисмим,
Ердан, гоҳи шеърдан уради ҳовур.
Тупроғинг оёғимга ёқар, Ақчақул,
Раҳм айла, сувингни кечсам соғур.
Ўзимда тоқатим, ўзимда изим,
Ажиниёз, Абдулла гуллаб шеърида.
Кўнгиш эшигини қоқар Ақчақул,
Ижод хушлаб Элликқалъа ерида.
Субҳидамда ёмғир ёғибди сим-сим,
Ҳасратим бор менинг, туриб қошингда.
Шеърим битиб, ёшим оқар, Ақчақул,
Дилбандларнинг сафари бор бошингда.
Аллаким чорлайди, айтмади исмим,
Кетмоқнинг фурсати етди, афтидан.
Қуёш хануз менга боқар, Ақчақул,
Сафар қилмоқ учун қайтгум дафъатан.*

Ушбу шеърим мен учун оддий сатрлар йиғиндиси эмас, балки Ақчақул билан бўлган ички суҳбатим, қалбимдаги кечинмаларнинг ифодасидир. Унда мен нафақат табиатни, балки ўз руҳий ҳолатимни, изланишларимни ва соғинчларимни акс эттиришга интилдим.

“Ақчақул илҳомлари – 2026” танловий менга бир ҳақиқатни аниқлади: ҳақиқий ижод ҳеч қачон яқун топмайди. У доимо ҳаракатда, доимо янгилинида. Ҳар бир ёзилган сатр — бу янги бошланиш. Ҳар бир илҳом — бу янги йўл демокдир.

Бугун мен ўзимни ана шу йўлнинг бошида турган, лекин қатъият билан олдинга интилаётган ижодкор сифатида ҳис қиламан. Бу танлов менинг ижодий фаолиятимда янги саҳифа очди. Энди эса бу саҳифани мазмунли, теран ва самимий сатрлар билан тўлдирish — менинг энг катта вазифам.

Насиб бўлса, келажакда ҳам янги ғоялар, янги шеърлар ва янги изланишлар билан ўз устимда ишлашда давом этаман. Зеро, ижод — бу манзил эмас, бу йўл. Ва мен бу йўлда дадил, ишонч билан қадам ташлашда давом этажаман.

Фарангиз АБРУЕВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети
талабаси.



Ижод — бу инсон қалбининг энг нозик, энг самимий ифодаси. У баъзан сукутда, баъзан эса жўшқин тўқилларда намоён бўлади. Ҳар бир ижодкор ўз ички оламида келиб чиқиб, борлиқни ўзича талқин қилади. Мен ҳам ушбу танловда Тошкент вилояти номида назм йўналишида иштирок этар эканман, ўз ҳис-туйғуларимни, қарашларимни ва қалбимдаги сўзларни сатрлар орқали ифодалашга ҳаракат қилдим. Бу эса менга катта масъулият билан бирга улкан шараф ҳам бағишлади.

Қорақалпоғистон Республикасининг бетакор муҳитида ўтказилган ушбу танлов оддий мусобақадан кўра кенгроқ маънога эга бўлди. Бу ерда ҳар бир иштирокчи ўз овозини топишга, ўз услубини намоён этишга интилди. Турли ҳудудлардан келган ёш ижодкорлар билан мулоқот қилиш, уларнинг ижодий қарашлари билан танишиш мен учун катта мактаб бўлди. Ҳар бир шеър, ҳар бир чиқиш — бу янги дунё, янги нигоҳ эди. Бу жараён менга ижодда рақобатдан кўра ўсиш ва ўз устимда муҳимроқ эканини ўргатди.

Танлов давомида устозларнинг Элликқалъа ва Ақчақул ҳақидаги фикрлари алоҳида таассурот қолдирди. Улар бу масканларни оддий географик ҳудуд сифатида эмас, балки тарих, хотира ва илҳом мужассам бўлган муқаддас макон сифатида талқин этдилар. Айниқса, Ақчақулнинг сокинлиги ва Элликқалъанинг тарихий қатламлари ижодкор учун битмас-туганмас манба экани ҳақидаги мулоҳазалар янги бадиий қарашларни уйғотди. Бу жойлар гўё вақт ва туйғулар чорраҳасида жойлашгандек — ҳар бир нигоҳ, ҳар бир нафақат шеър яширингандек туюлади.

Масалан, мен учун бу танлов энг аввало тажриба мактаби бўлди. Унда мен нафақат ўз истеъдодимни синовдан ўтказдим, балки ўз имкониятларимни кенгроқ англаб етдим.

БАХТИ БЕКАМ ШИФОКОР

Муқаддасхон Ўрта Осиеъ тиббиёт педиатрия институти (ҳозирги Тошкент давлат тиббиёт университети) даги таҳсилни тугатиб, Тошкент шаҳридаги 18-поликлиникасида участка шифокори сифатида иш бошлади. Шубҳасизки, ҳали кўп нарса маълум эмас эди. Ўз соҳасини яхши кўрган ёш мутахассис югуриб-елиб ишлади, касбига садоқатини илк даврлардаёқ намоён қилди. Унинг ҳаракатчанлиги, вазифасига масъулият билан ёндашиши ҳамкасбларининг эътиборини қозонди.

Албатта, Муқаддасхон бирор соҳада муваффақиятга эришиш учун сидқидилдан меҳнат қилиш лозимлигини, устозлар йўл-йўриғига амал қилиб, уларнинг меҳрини қозониш келинги фаолиятда ютуқлар қалити бўлишини яхши биларди. Шунинг учун у ишга эрта келиб, кеч кетди, ўзига мурожаат қилганлар, иши тушганларга шифокор сифатида дардига малҳам бўлишга интилди. Шундай фазилатлар унга обрў келтирди, кўпчилиكنинг дуоси уни янги муваффақиятларга руҳлантирди. Ёш мутахассиснинг интилувчанлиги, ўз касбига садоқатини сезган жамоа уни кўп ўтмай, аллергиялогия бўйича клиник ординатурага ўқишга юборди. Бу таҳсил унинг амалиётда орттирган тажрибаларини назарий билимлар билан яна ҳам кучайтиришга йўл очди, таъбир жоиз бўлса, танлаган соҳасининг етук мутахассиси даражасига эришишини таъминлади.

Устозлар ишонч билдириб, ўқиш тугагач, 1980 йилда янги ташкил этилган республика илмий ихтисослашган аллергиялогия марказига ишга юборилди. Шу жой унинг учун бутун фаолияти кечган даргоҳ бўлиб қолди. “Дарахт бир жойда кўради”, деганларидек, 42 йил шу жойда хизмат қилди. Албатта, бир муассасада узлуксиз ва нуқсонсиз хизмат қилишнинг ўзи Муқаддас Раҳимованинг касбига қанчалик фидойилигини ва ҳурмат-эътибор қозонганини кўрсатиб турибди. Шу йиллар давомида оддий шифокорликдан марказнинг консултатив поликлиникаси мудирилик лавозимига кўтарилди. Ҳозирги кунда ҳам олий

тоифали шифокор-аллерголог вази-фасида самарали меҳнат қилиб кел-моқда.

Ортда қолган йиллар мазмунли кеч-ган умрдан сўзлайди. Муқаддас Раҳимова меҳнат фаолиятида ўзини юқори малакали мутахассис, жонқуяр шифокор ва моҳир ташкилотчи сифатида намоён этди. У республикадаги аллергия-шифокорлар ва ҳамшираларнинг малакасини ҳамда уларнинг тажрибаларини оширишга кўмаклашиш билан биргаликда туманларга чиқиб, жойлардаги тиббиёт ходимларига амалий ёрдам кўрсатишга ҳам бош-қош бўлган. Санитария авиацияси таркибидagi шифокорлар билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга мунтазам таширф буюриб, беморларга тезкор тиббий ёрдам кўрсатишда ҳам фаол иштирок этди. Шунингдек, Тошкент давлат тиббиёт институти (ҳозирда университет)нинг клиник аллергиялогия курсида 6-босқич талабаларига маърузалар ўқиб, амалий машғулотлар олиб борди. Унинг раҳбарлигида поликлиника ходимларининг малакасини ошириш ишлари юқори даражада йўлга қўйилган.

Юқори малака ва катта меҳнат тажрибасига эга бўлган шифокор ҳамиша ўз малакасини ошириш устида тинмай ҳаракат қилди. Барча вилоятлардан келган беморларни Марказ қошидаги “Аллергия ва астма мактаби”да махсус дастур асосида ўқитиб, уларнинг ўз беморлари дардларига самарали даво топишларига кўмаклашди. Натижанда республика бўйича астма ва аллергия касалликлари билан оғриган беморлар томонидан касаллик варақасидан фойдаланиш даражаси 45 фоизга, шифохоналарда қайта ётиб даволаниш кўрсаткичи 55 фоизга камайган.

У ўз амалий фаолиятини илмий изланишлар билан қўшиб олиб борди. 50 га яқин илмий, тарғибот мақола-лари хорижий ва мамлакатимизда чоп этиладиган нуфузли нашрларда эълон қилинган. Унинг “Аллергия касалликлари беморларнинг диспансер кузатуви”, “Аллергия ва астма мактаби тажрибаси” сингари рисолалари

тиббиёт ходимлари томонидан услубий қўлланма сифатида фойдаланил-моқда. Муқаддас Раҳимова “Болалар ва катталарда бронхиял астма касаллигини даволаш ва профилактика чоралари” республика миллий дастури-нинг муаллифларидан бири ҳисобланади.

Фидойи аёл, тажрибали шифокор ўз соҳасида фаол ташкилотчи ҳамда жонқуяр жамоатчи ҳамдир: Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирилик қошидаги аллергиялог ва дерматологлар аттестация хайъати котибаси, Ўзбекистон аллергиялогия-пульмонология ассоциацияси аъзоси, шу билан бир қаторда Республика аллергиялоглар ва иммунологлар жамияти аъзоси сифатида самарали фаолият кўрсатиб келди. У Марказ хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида ҳам кўп йиллар хотин-қизлар фаолиятининг юқори даражада ташкил этилишида жонбозлик кўрсатди. Марказда йўлга қўйилган “Устоз-шоғирд” аънаваларига кўра кўплаб клиник ординаторларга касб сирларини ўргатишда мураббийлик қилиб келмоқда.

Албатта, самарали ва фидокорона меҳнат беиз кетмайди. Муқаддас Раҳимова кўплаб инсонларнинг дардига дармон бўлди, уларнинг меҳрини қозонди. Бир неча бор Соғлиқни сақлаш вазириликнинг “Фахрий ёрлиқ”лари билан тақдирланди. 1999 йилда эса Президент фармонида кўра “Шўхрат” медали билан мукофотланди. 2021 йилда “Соғлиқни сақлаш вазирилик аъълочиси” кўкрак нишони соҳибасига айланди.

Заҳматқаш шифокор ва намунали оила бекаси Муқаддас Раҳимова икки нафар фарзандни тарбиялаб, уларни муносиб кишилар сифатида жамиятимизга қўшди. Бугунги кунда ўнга яқин набиралар даврасида фидокорона меҳнатининг нашиданлини суриб, бахтли умр кечирмоқда. Бахтининг бекам бўлсин Муқаддас опа, Яратганининг Ўзи эл саломатлиги йўлидаги эзгу ишларининг ахирини зиёда қилсин.

Кўпайсин А.ПНЕВА,
журналист.

МУШОҲАДА

РАҚАМЛИ ИНҚИЛОБМИ ЁКИ МАЪНАВИЙ ЙЎҚОТИШ?

Бугун кўплаб устоз журналистларимизнинг “Биз соҳага газеталарга ошно бўлиб кириб келганмиз, фаолиятимизни босма нашрлардан бошлаганмиз ва шу сабабли бугун соҳада ўз ўрнини топиб келмоқдамиз”, деган сўзларини эшитсам, ҳамиша хурсанд бўламан ва бу мени босма нашрларга, уларнинг мутолааси ва келажак учун ўз ҳиссамни қўшишга ундайди. Чунки менинг ҳам болагим газета ва журналларга ошно хонадонда ўтган.

Бобом раҳматли жуда кўп китоб мутолаа қиларди ва бу одат бизга ҳам ҳамроҳ бўлиб келган. Ҳафтанинг ҳар шанба кунини интиқ кутганмиз, сабаби почтадон амаки бобом ойна бўлган газеталарни олиб келар ва улар ўқиб бўлган газеталарни мен йиғиб борар эдим. У газеталарда болалар учун фақатгина бир саҳифа ажратилган, у ҳам бўлса охириги бетидagi қисқа эртак, ҳикоя ва топишмоқлар эди. Бугун ўйлаб қарасам, ана ўша газеталар менинг ҳаёт йўлим журналистика билан боғланишига сабаб бўлган экан. Йиллар ўтган сайин мақола ёзишга, уни чоп этишга қизиқа бошладим. Ҳар бир газетача чоп этилган мақолам менга ўзгача завқ берарди, айниқса, республика нашрларида чоп этилган мақолаларимнинг газетасини қўлимга олиш болагимнинг энг бахтли кунлари бўлган. Устозларимиз тавсияси билан журналистика йўналиши талабаси бўлдим. Энди мени катта мақсадлар кутар, мен бевосита ҳар ҳафта почтадон амаки олиб келадиган газеталар таҳририятида бўлиш имконига эга эдим. Шу каби минглаб орзулар билан олий таълим даргоҳига келдим. Дарсларимизнинг илк кунидaёқ маҳоратли устоз журналистларимиздан билимлар ола бошладик. Бир кун устоз аудиторияга: “Газета ва журналлар мутолааси сизларга нима беради? Ўзи газета ўқиб турасизларми?” деган савол ташладилар. Минг ҳаяжон билан биринчилардан бўлиб қўл кўтардим ва болагимдан бери



газеталарга ошнолигимни, ҳар тонгни мутолаа билан қарши олишимни сўзладим. Устознинг юзларига ним табассум югурди, аммо тенгдошларимнинг биронтаси фикримга қўшилмади. “Газеталарнинг даври тугаб бўлган, бир сиз ва устоз шундай фикрдасиз, бошқа ҳеч ким бундай фикрламайди”, деган танқидларга ҳам қолиб кетдим. Ана ўша кунни ҳеч ёдимдан чикармайман. Фикримни етказма олмаганимдан, газеталар, аслида, биз учун катта маҳорат мактаби эканлигини тенгдошларим англамаганидан ўқиндим. Устоз маърузани тугатар экан, босма нашрларда иш бошлаган журналист ушбу соҳанинг исталган йўналишида ҳеч қийналмай ишлашини қайта-қайта такрорладилар. Ва газеталарни қайта тиклаш биз ёш авлоднинг зиммасида эканлигини таъкидладилар. Ўйлаб қолдим: бир пайтлар эрталабки чой ҳиди билан бирга янги босилган газетанинг ҳидини ҳис қилиш одатий эди. Саҳифалар шиттирлаб очилар, одамлар дунё янгиликларини қозғандан ўқирди. Наҳотки бугун бу манзара секин-аста тарихга айланмоқда, янгиликлар энди

қўлимиздаги “кичик экран” ичига сиғиб қолган! Савол туғилади: газета ва журналлар ҳақиқатан ҳам йўқолиб бораётми ёки бу журналистиканинг янги даврга ўтишидаги табиий жараёнми? Англаганим шуки, бугунги тезкор замонда инсонлар сабр билан саҳифа варақлашдан кўра, бир неча сонияда янгиликни билишни афзал қўришмоқда. Интернет, ижтимоий тармоқлар ва мобил иловалар ахборотни тез, қулай ва қўлимча беул тақдим этмоқда. Натижанда аънавий босма нашрлар ўз ўқувчисини йўқотмоқда. Аммо бу жараённинг оддий “йўқотиш” деб баҳолаш бирқалама қараш бўларди. Чунки газета ва журналлар фақат ахборот етказувчи восита эмас, улар ишончлилик, таҳлил ва масъулият мактабидир. Қоғозда чоп этилган ҳар бир сатрнинг ортида масъулият, текширув ва профессионал ёндашув ётади. Шу жиҳатдан улар тезкор, аммо қўлимча юзак бўлган рақамли контентдан тубдан фарқ қилади. Демак, бугунги ҳолат — бу инқилоб. Аммо бу инқилоб вайрон қилувчи эмас, балки шакл ўзгартирувчи инқилобдир. Журналистика йў-

қолмапти, у ўз қиёфасини янгиламоқда. Қоғоз саҳифалар ўрнини экранлар эгаллаётган бўлса-да, мазмун, ҳақиқат ва касбий принцип-лар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Биз ҳамиша босма нашрларга эҳтиёж сезамиз. Бир пайтлар кино пайдо бўлган, театрининг ўлиши ҳақидаги фикрлар айтилганидек, мультимедиавий имкониятга эга интернет пайдо бўлган, нафақат босма нашрлар, ҳатто радио ва телевидениенинг келажакига ҳам шубҳа билан қараш тенденцияси вужудга келди. Бугун муҳтарам Юртбошимиз Учинчи Ренессанс даврини қуришни биз ёшларга ишоняптилар. Шундай экан, елкамизга кўплаб вазибалар юклатилган. Шундай экан, жамиятимиздаги ҳар бир масалага, инқирозли вазиятларга ҳам берафқ бўлмай, масалага биргаликда ечим излашимиз лозим. Агар биз ёш журналистлар фақат тайёр контентни истеъмол қилувчи бўлиб қол-сак, журналистика ҳақиқатан ҳам ўз илдизларидан узилиб кетиши мумкин. Аммо агар биз сифатли, текширилган ва мазмунли ахборот ярат-тишга интиلسак, у ҳолда бу соҳа янги нафас

билан давом этади. Бугунги ёш журналистлар олдида катта имконият бор: улар аънавий журналистиканинг ишончлигини замонавий технологияларнинг тезкорлиги билан уйғунлаштира олади. Подкастлар, блоглар, мультимедиа материаллари орқали газета руҳини янги форматларда давом эттириш мумкин. Энг муҳими — ҳақиқатга содиқлик ва масъулиятни йўқотмасликдир. Тўғри, агар биз журналистикани фақат босма нашр билан боғлаб қўйсақ, у ҳақиқатан ҳам йўқолади. Аммо уни ҳақиқатни излаш, жамиятга хизмат қилиш ва фикр уйғотиш воситаси сифатида кўрсак, у ҳар қандай шаклда яшайверади. Шундай экан, бугунги савол бошқача янграйди: газета ўлаптимми ёки биз уни янги ҳаётга олиб чиқишга тайёрмасмизми? Умуман олганда, газеталарнинг келажак ҳақидаги баҳслар кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Интернет тармоғининг қўлими кенгайиб бораётган дастлабки кунлардаёқ бу масала муҳокама мавзусига айлангани бор гап. Бугун Американинг “The Wall Street Journal”, “The New York Times”, Англиянинг “The Financial Times” ва “Daily Mail” нашрлари “гибрид газета”лар сифатида фаолият олиб бормоқда. Ушбу газеталар “босма+рақамли”нинг барча имкониятларидан фойдаланган ҳолда, босма нашр рекламаларидаги йўқотишни рақамли соҳадаги реклама билан тўлдиряпти. Албатта, ҳал бўлмайдиган масаланинг ўзи йўқ. Айниқса, ҳамжихатликда иш қўриلسа. Биз, назаримда, асосан, халқроқ майдондаги нуфузли газеталар тажрибасини ўрганишимиз ва албатта, замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда газеталарни ривожлантиришимиз лозим. Рақамли давр — бу яқун эмас, бу синов. Бу синовдан ким ютади? Тезкор, лекин юзаки контентми ёки секинроқ, аммо ишончли журналистиками — буни вақт эмас, балки биз бугунги ёш журналистлар куч, билим ва салоҳиятимиз билан исботлаймиз.

Занжилой АБДУСАЛОМОВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси етакчи
мутахассиси.



АЁЛЛАР ЖУРНАЛИСТИКАСИ ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

1-6

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси қошидаги “Журналист аёллар кенгаши”нинг навбатдаги йилги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда журналистлар, олимлар, тадқиқотчилар ва матбуот котиблари иштирок этди.

Тадбирда замонавий медиамаконда аёлларнинг ўрни, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси фаолиятида аёлларнинг иштирокини кучайтириш масалалари муҳокама қилиниб, бугунги кун журналист аёлларининг ижтимоий ва касбий қиёфасини шакллантириш бўйича ўзаро фикр алмашилди.

Мулоқотда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Шуҳрат Орипов уюшманинг жорий фаолияти, режалари ва аёлларга мўлжалланган лойиҳалари ҳақида ахборот берди.

Учрашув кизгин муҳокама руҳида ўтди. Иштирокчилар журналист аёллар учун ижодий танловларни жорий этиш, жумладан, “Атиргул” танловини қайтадан ташкил этиш, журналистлар медиасаводхонлигини оширишга қаратилган лойиҳаларга хотин-қизларни фаол жалб этиш, тахририятларда “Маҳорат мактаблари”ни йўлга қўйиш таклифларини билдиришди.

Мулоқот якунида “Журналист аёллар кенгаши” тадбирларини ҳар ойда ўтказиб боришга, уларда аёллар журналистикасини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга қилиниб олинди.

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Давлатимиз раҳбарининг ҳар ҳафта пайшанба кунини “Ёшлар куни” деб белгилаш тўғрисидаги ташаббуси соҳага масъул раҳбарларни маҳалла, мактаб ва олий таълим даргоҳлари бориб, ёшларни тинглаш ҳамда уларнинг мавжуд муаммоларини баргараф этишга қаратилган.



Айни шу муносабат билан “Ёшлар куни”да Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раҳбарияти ёш журналистлар билан учрашди.

Тадбирда, шунингдек, ушбу ҳудуд оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган кўп йиллик таърибга эга бўлган ОАВ вакиллари, фахрийлар, блогер ва ижтимоий тармоқ фаоллари жамланди.

Учрашув давомида тизимда меҳнат қилиб, кексалик гаштини сураётган бир неча фахрий журналистлар таваллуд кунлари билан қўлланб, уларнинг ибратли фаолиятлари эътироф этилиб, тақдирландилар.

Мулоқот давомида ёшларнинг фикр ва таклифлари эшитилди, келгусидаги фаолиятларини йўлга қўйишга керакли тавсия ва амалий ёрдамлар кўрсатилиши юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

ЭҲТИРОМ

Менинг Муқаддас опам

Доим айтиб юрадиган бир гапим бор: инсоннинг кўзи унинг умр эшигига ўхшайди. Токи бедор эканми, мана шу эшиклар мудом очик. Шу икки эшик олдида кунда баъзида минглаб одамлар у ёқдан бу ёққа ўтиб кетаверадилар. Агар Аллоҳ тақдир қилмаса, бир замонада, бир коинотда, бир сайёрада, бир мамлакатда, бир шаҳар ё маҳаллада яшаб ҳам уларни танимаслигинг, учрашмаслигинг мумкин. Чунки улар умринг эшигидан кирмаган бўлади. Тақдир тақозоси билан танишиб, мулоқотга киришар экансан, нотаниш кимсанинг пойига кўнглингни пойандоз қилиб тўшасан. Аммо умринг остонасида учратадиган кишилар ҳам икки тоифага бўлинади. Бирлари гуноҳ ва савобни, ҳалол ва ҳаромни, эзгулик ва розолатни фарқламайдиган кимсалар. Улар инсон қадрини билмайдилар. Сизга нари бора манфаатига эришишинг бир воситаси деб қарайдилар. Ундайларга остонада кўнглингни пойандоз қилиб тўшасангиз, уни пайтава деб ўйлайди. Ундайлардан дилда доғлар қолади.

Шукри, ҳаётда ўзгани ўзидан кам кўрмайдиган, одобли, сўзлашсанг, суҳбатига тўймайдиган, маънавият ва маърифат гулханлари, ҳам сўзи, ҳам фаолияти, ахлоқи билан ибрат бўладиган нурли инсонлар бор! Уларга умринг эшиги остонасида кўнглингни пойандоз қилиб тўшасангиз, “Ие, нима қиласиз? Бу кўнгли-ку, бу гул-ку!” дея уни ердан осмонга қўтарди. Ана шундай инсонлар ҳаётингизга кирар экан, улар умрингиз беэгага айланадилар!

Бугун кўтулур ёшни, муборак ёшни қаршилаётган таниқли журналист, шоира Муқаддас Абдусаматова журналистикада илк қадамларини қўяётган маҳал Аллоҳ менга учратган ана шундай нурли инсонлардан биридир!

1985 йил эди. Санкт-Петербург давлат университетининг журналистика факультетини тугалаб, “пропискам” йўқлиги туфайли дўстим Қарим Баҳриевнинг (Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин) таклифи, устоз Одил Ёқубовнинг марҳамати билан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида жамоатчилик асосида яъни ойлик-маошсиз ишлаб юргандим. Уша ерда ҳаётимда ўчмас из қолдирган яна бир инсон — шоира Муқаддас Туробованинг кўмағида ҳозирги Олмасор туманидаги Профессорлар шаҳарчасидаги бир

дўгонларининг уйига вақтинча рўйхатдан ўтдим. Бу орада адабиёт газетаси сатира ва юмор бўлими “Шум бола чой-хонаси”да ишлаб юрган Қўлман Очил ус-тоз Жаббор Раззоқ раҳбарлигидаги “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Ёшлар овози”) газетасига бош муҳаррир ўринбосари вазифасига ишга ўтди. Адабиёт газетасида хатлар бўлимида ишлаб, келган шикоятлар асосида ва бошқа мавзуларда қисқа муддатда каттагина мақолаларим эълон қилиниб, танила бошлагандим. Шу боис бўлса керак, Қўлман ака менга ёшлар газетасининг ижодкор ёшлар бўлимига ишга ўтишни таклиф қилдилар. Билсам, бу бўлимда забардаст журналист Муқаддас Абдусаматова мудираллик қилар эканлар. Мен кирмоқчи бўлган штатда илгари шоира Умида Абдуазимова, ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетида мендан бир курс кейин ўқиса-да, қадрдон дўстимга айланган Аъзам Уктам (охиратлари обод бўлсин) ишлаган экан. Табиийки, ишга ўтишдан аввал Аъзамжон дўстимдан Муқаддас опанинг феъл-атворларини суриштирдим.

— Опа жуда қаттиққўллар, энгилнинг остидан, оғирнинг устидан юрадиган одам улар билан бир кун ҳам ишломмайди. Шу боис воқеаларни шоширмай, тартибли ишласангиз, тезда эл бўлиб кетасиз! — деди Аъзамжон. — Сиз камтар йигитсиз, муаммо бўлмайдилар, назаримда!

Дўстимнинг айрим сўзлари ташвишминни зиёда қилган бўлса, бошқаси кўнглимда ўзимга ишончини мустаҳкамлаб, газеталар биносининг бешинчи қаватидаги 515-хона эшигини тақиллабти, саломлашган, ўзимни таништирдим. Опа иш кўламини менга тушунтирдилар. Республикада ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қайноқ ҳаётини газета саҳифаларида ақс эттириш, навирон ижодкорларни кашф этиш, улар ижодидан намуналар бериб бориш, адабиёт ва санъатга мўҳаббат йўғишти каби оламжонан йўналишларда фаолият юритишимиз зарурлигини айтдилар. Сўзларини жон қўюгим билан тинглар эканман, “Бадий ижод билан ҳам шуғулланасизми?” деган саволларига: “Ҳа, шеърлар машқ қиламан!” деб жавоб бердим. Шу лахза Аъзам Уктам дўстимнинг “Асло ўз ижодингизни опага тикиштирманг — ёмон кўриб қоладилар. Токи ўзлари сўрамагунларича шеърларингизни газетамга чоп этишга берманг!” деган қатъий насиҳати қулоқларим остидан жаранглари.

Шундай қилдим ҳам. Ўзим севган

касб эмасми, тезда ишга шўнғиб, Муқаддас опанинг “қўлларини бўшатиб”, анча захира мақолалар тўплаб қўйдим. Кўп ўтмай, Муқаддас опа менга бўлимин тўла ишонадиган бўлдилар. Опа энди менга раҳбар эмас, ўз ўғилларидек муносабатда бўлардилар.

Ота-онасидан йироқда энди биринчи жамоада расман иш бошлаган ёш йигит учун кимнингдир тиргак бўлиши фоят муҳим. Ушанда опанинг:

— Амirkул, сиз ўз фарзандимдексиз, онангизга айтинг, хавотир олмасинлар. Тошкентда яна бир она топдим, деган, — деганларидеки опани жуда яхши кўриб кетганман. Шу-шу мудом эҳтиромимдилар.

Қайси феъллим маъқул келганини билмайдим-у, тахририятдаги кўпчилик бунга ҳайрон қолган. Чунки Муқаддас опа тахририятдаги лётучкаларда мудом принципал позицияда туриб, керагида тап торتماй камчиликларини очик айта оладиган, икюзлаамачиликни ёқтирмайдиган, гоҳида бош муҳаррирга ҳам иш манфаати йўлида танбех беришдан ҳайқилмайдиган ижодкор эди.

Тахририятта янги келган ходимлар одоб-ахлоқ, ўзаро муносабатларда анчайин хатоларга йўл қўйсалар, Муқаддас опадан насиҳатомуз танбех эшитилар тайин эди. Шу ўринда бир мулоҳаза: жамоада миллий ва ахлоқий кадрларимиз барқарор бўлишини кузатиб, ёшларга сабоқ берадиган шундай инсоннинг борлиги кўпчилигимиз учун бир мактаб бўлди. Опани бемаълум “Тахририят виждони” деб аташа бўларди. Шу ўринда тахририят устунлари ҳисобланган Қарим Раҳим, Маҳкам Раҳмон, Сафар Остон, Турғун Назар, Зайниддин Рихсиев ва бошқа устозларни ҳам эслаб ўтиш жоиз. Улар ҳам Хайдар Акбар, Муюссар Мўйдинова, Гулчехра Алибоева, Қурбон Эшмат, Сувоқул Рустам, Ислом Ҳамро, Тўлқин Ҳайит, Аббор Имомжўаев, Алимурод Мамадаминов ва бошқа биз каби ёшларга кўп ўғитлар беришган. Бу ўғитлар келажақда бизга кўп асқатди. Саналган ёшларнинг аксарияти кейинчалик турли нашрларнинг бош муҳаррирлари, таниқли ёзувчилар бўлиб етишдилар.

Муқаддас опа кўплаб ёш ижодкорларнинг тиклиниб, машхур бўлиб кетишига сабабчи бўлганларини эсламан. Дўстларим — Фиев Бойтоев, Охунжон Мадалиев, Маҳмуджон Азимов, Ҳожибой Тожибоев каби санъаткорлар шулар жумласидандир.

Раҳбарлик баробарида Муқаддас Абдусаматова давримизнинг кўплаб муам-



молари қаламга олинган талай долзарб мақолалар эди. Шеърлар ва юморда қайд этилгани каби мақолалар асосида ўнга яқин китоблари нашр этилди. “Умр илга терилган маржон”, “Ортада қолган излар”, “Бунча ширинсан, ҳаёт?”, “Фазилатим — фозилалигим”, “Уйғоқ туйғулар”, “Шукрона”, “Онаник бахти”, “Оила муқаддас”, “Сайланма” сингари қатор шеърли ва насрий китоблари шулар жумласидандир. Таниқли шоир Раим Фарҳодий опанинг шеърларини рус тилига таржима қилиб, русийзабон шеърлият мухлисларига тортиқ қилган. Ҳали ўтган асрнинг 80-йилларидаёқ Муқаддас опанинг “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони билан тақдирланганлари бежиз эмас. Айни пайтда у киши Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Журналистлар уюшмаси аъзоси, 1-даража ли меҳнат фахрийсидир.

1941 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Муқаддас Солихона Абдусаматова Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетини тугатганидан бери матбуотда шеър, ҳикоялари, очерк ва лавҳалари, мақолалари билан қатнашиб келади. 1965 йилда ёшлар газетасининг адабиёт ва санъат, аниқроғи, ижодкор ёшлар бўлимида иш бошлаган бўлсалар, қўнғузга, мана, 61 йилдирики, қаламини тўлдан қўймай, катта-ю кичикка намуна бўлиб келтирилди.

Сўз сўнгида опа кези келганда яхши дўтор чертиб, ашула айтишларини ҳам айтиб қўяй. Оқибатсиз мендек шоирларига яқинда ўзлари кўнироқ қилиб, хол сўрадилар. Рафиқам, фарзандларимиз номма-ном тилга олиб, салом йўлладилар. Ушанда менга дўторда куй чалиб, ўзлари гўзал қўшиқлар куйлаб беришни ваъда қилдилар.

Қадри устозим, азиз опам Муқаддас Абдусаматовага узоқ умр, бардавом ҳаётсеварлик, куч-ғайрат тилламан. Собиқ жамоамизнинг тез-тез бўлиб турадиган навбатдаги учрашувда опадан дилбар тароналарини тинглаб, қадрдонлигимизни янада зиёда қиламиз, деб ишонаман!

Амиркул КАРИМ,
“Олтин мерос” халқаро
жамоат фонди раиси,
публицист, шоир ва журналист.

МУТОЛАА

Ҳеч бир муболагадас айтиш мумкинки, публицистика бугун адабиётнинг, журналистика соҳасининг муҳим жанрларидан бирига айланб қолди. Зотан, ҳар бир ижодкор ўз фикрини, воқеа ва ҳодисаларнинг асл моҳиятини ишонарли ва ёрқин ифодалаб бера олиши учун ҳам публицистиканинг аҳамияти катта. Чиндан ҳам сўнги йилларда нафақат журналистларимиз, балки шоир ва адибларимиз ҳам матбуотда долзарб ва салмоқли мақолаларни эълон қилаётганлиги қувонарли ҳол.

Ўзининг ярим асрлик ижодий фаолияти давомида 20 дан ортиқ шеърли ва публицистик китоблари билан ўқувчиларга яхши танилган шоир ва публицист Ашурали Боймурод ўзининг навбатдаги китобини “Навоийдан наво топдим” деб номлади. Ижодкор ўзи туғилиб ўсган макон тарихини чуқур ўрганган. Тошкент вилояти, Бекобод ва қадимий Далварзин тарихи мўъжизаларини тарихий фактлар, қизиқарли ҳикоялар асосида бадий тасвирлаган. Хусусан, “Тепалиқдаги кўргон мўъжизалари” номли тарихий мақоласида археолог олимлар олиб борган тадқиқотларга таянганда, Далварзин тепалиқлари ва у билан боғлиқ бўлган макон манзараларини янгича кашф этгандек бўлади. Мақолада халқимизнинг асрлар буйи сув тўғрисида оруз қилиб келганлигини улуғ Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони мисолида яна бир бор таъкидлаб, афсонавий Ширинсой, Фарҳод қоялари ҳақидаги халқимиз яратган ривоятларни ишонарли тарзда баён қилган. Мақоладаги “Искандар билан юзма-юз”, “Бобур қадамжолари” каби кичик бўлимлар ҳам ўқувчиға қизиқарли маълумотлар бера олади.

Булардан ташқари, китобда ўзи туғилиб ўсган замин билан боғлиқ тарихий обидалар, зиёратгоҳлар ҳам эътибордан четда қолмаган. Жумладан, “Бузурак бобо зиёратгоҳида” мақоласида айнан ҳозирги кунларимизга мос бўлиб, исломий билимларни тарғиб қилишига, маънавий қадриятларимизни, миллий гуруризмизни юксалтиришга муҳим манба бўлиши шубҳасиз. Ҳозирги кунда Бекобод туманидаги ушбу зиёратгоҳ замонавий услубда қайта таъмирланиб, сайёҳлар учун ажойиб бир масканга айланб бораётганлиги эътиборга молик.

Китобда улуғ мутафаккир боболаримиз Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур ижодига оид таҳлилий мақолаларни ҳам эълон қилганки, уларни ўқиб,

буюк аждодларимизнинг турфа дунёси, маърифий-ахлоқий қарашлари кўз олдинда ёқол намоен бўлади. Айниқса, ватанпарварлик, Ватанин севиш ва улуғлаш ғоялари ҳаммаша устувор бўлиб келганлигини алоҳида таъкидлайди. Навоий ва Бобурнинг буюк ижодий мероси замонамиз ёшларининг юксак маънавий камолотга эришишига муҳим манба эканлигини уқтиради.

масъулияти”, “Пўлат шундай товланди”, “Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо кетмасин”, “Адиблар хйбониди” сингари қатор мақолаларини ўқиб, яқоб хис этасиз. Бу китобга кирган очерк ва мақолаларда шоир узоқ тарих манзараларини жонлантиришга ҳаракат қилади. Ёшларни Ватанин севишга, унинг муносиб фарзанди бўлишга даъват этиш баробарида миллий ўз-лигимизни, миллатимизга хос фазилатларни,

Шу жиҳатдан китобдан ўрин олган “Учинчи уйғонши маъсулияти” номли мақола ҳам алоҳида диққат-эътиборимни тортди. Юртимиз бой маънавий тарихга эга. Туркистон заминидан етишиб чиққан буюк алломалар Абу Райҳон Беруний, ибн Сино, ал-Хоразмий, Мирзо Улугбек, Али Қўшиқ, Алишер Навоий, Мирзо Бобурнинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси беқиёс. Айнан ана шундай улуғ боболаримиз

ёзган шеър ва ғазаллари ҳам китобнинг мазмун-моҳиятини бойитган. Мақолалар билан шеърли оҳангларнинг бир-бири билан боғланиб кетганлиги эса шоир айтмоқчи бўлган фикрларнинг бардавонлигини кўрсатади. Қолаверса, бу икки жанр бир-бирини янада тўлдириб боради.

Шоир ўз публицистик мақолаларида бугунги давр нафасини, замонамиз қаҳрамонлари ҳаётини бадий маҳорат билан тасвирлашга, уларнинг ўй ва кечинмаларини, оруз-истакларини имкон қадар чуқурроқ ёритишга ҳаракат қилган. Замонавийлик мавзусидаги мақолаларга тўхталадиган бўлсак, бунга мисол тарихий мақоладан ўрин олган “Пўлат шундай товланди” ёки “Ер билан тиллашиб...” сингари мақолаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. “Пўлат шундай товланди” мақоласида муаллиф оддий бир ишни — пўлат қуювчи ҳаёти ва фаолияти мисолида катта бир комбинатнинг оловқалб металлурглари меҳнатини, уларнинг ибратли фазилатларини ёрқин бўёқларда акс эттира олган.

Мақоладаги қуйидаги сўзлар беихтиёр киши диққатини тортди: “Менин биринчи устозим отамдир, — деди фахр билан Иномжон. — Раҳматли падари бузуқворимнинг бир сўзи сира ёдимдан чиқмайди. Отам шундай деган эдилар: “Пўлат эритувчининг меҳнати ошпазнинг меҳнатига ўхшаб кетади, болом. Ошпаз қозонга қандай нигоҳ ташласа, сен ҳам худди ошпаз сингари ёнаётган пича меҳр билан нигоҳ ташлайсан. Ҳеч бир нарса назардан четда қолмаслиги керак. Масалликлар, яъни металл маҳсулотлари бир маромда қиздирилади, тобага келтирилади. Мазали “палов” — сифатли пўлат эритмаси ана шундай олинади. Эне муҳими, юрагинг, қалбинг тоза ва беғубор бўлсин!” Мен ҳаммиша отамнинг ана шу ўғитларига амал қилиб яшайди ва кам бўлмадим”.

“Ер билан тиллашиб...” мақоласида эса тинимсиз меҳнат ва изланишлар натижасида катта муваффақиятларга эришадиган Бегма-товлар сулоласининг қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қўлга киритаётган ютуқлари, фермерлик ҳаракатидаги янгилик ва ўзгаришлар, аъналарга сadoқатлилик маҳорат билан қаламга олинган. Умуман олганда, тарихий мавзудаги мақолалар билан замонавий йўналишдаги ҳар бир битикларнинг содда ва раван тилда, ўзига хос услубда ёзилганлиги қувонарлидир.

Шоир ва публицист Ашурали Боймуроднинг “Навоийдан наво топдим” номли янги китоби кўп йиллик ижодий изланишларнинг яхшигина самараси бўлибди. Агар сиз ҳам маъзур китоб мутолаасига киришсангиз, шубҳасиз, фикримизга қўшилсангиз, деган умиддамиз.

Муҳаммад КЕНЖА.

ИЗЛАНИШЛАРДА ДАВР НАФАСИ

Публицист ва шоир Ашурали БОЙМУРОДнинг “Навоийдан наво топдим” китобини ўқиб...

Айниқса, “Амир Темур ва Янги Ўзбекистон” мақоласи китобда алоҳида ўрин эгаллайди. Мақолада таъкидланганидек, мамлакатимизда кечаётган бугунги ўзгаришлар, катта бунёдкорлик ишлари айнан Темур бобомиз қилган ишларнинг узвий давомидек кўринади. Худди Амир Темур бобомиз таъкидлаганидек, агарда кудратимизга шубҳа-ғумонингиз бўлса, келинг, биз курган биноларга боқинг.

Тасанно айтагўйман миллатимизга, Шак-шубҳа қолмади кудратимизга, — дея шоир юракдан гурур ила куйлайди. Бу ҳайқириқлар миллатнинг дарди, оруз-истаклари, қувончу ташвишлари билан уйғунлашиб кетгандек гўё. Шу ўринда таъкидлашни истардиқки, шоирнинг ушбу мақоласи “Янги Ўзбекистон” газетасининг 2024 йилги 5 апрель соҳида чоп этилди. Ушбу мақола Халқаро Амир Темур жамоат фонди томонидан инглиз тилида нашр этилган “AMIR TEMUR'S LEGACY OF WISDOM” китобига киритилганлиги ҳам бежиз эмас.

Муаллифнинг публицистика соҳасида тора-бора қалами чарқлиниб бораётганлигини унинг “Жаҳон минбарига жаранглайвер, она тилим!”, “Қўлингга китоб ол!”, “Учинчи уйғонши

қадриятларини асло йўқотмаслик муҳимлигини таъкидлайди. “Қўлингга китоб ол” мақоласида шундай сатрлар бор:

**Мудроқ босма, болажон, уйғон!
Ҳақ йўлини кўрсатар ҳар он,
Азар сўзим келмаса малол,
Қўлингга китоб ол!**

“Навоийдан наво топдим” номли тўпламини ўқиб чиқиб асносида шу нарсамга амин бўлдимки, унга киритилган ҳар бир мақолада юрт-парварлик, ватанпарварлик, ўзи туғилиб ўсган маконга дахлдорлик туйғуси устувордир. Қайси бир мақолани олиб қарамайлик, албатта, унда юрак, қалб ҳарорати, меҳр-муҳаббат ришталари ана шу туйғу билан уйғунлашиб кетади. Шоир ўз устозлари ҳақида салмоқли мақолалар ёзишга ҳам улгурди. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Пиримқул Қодиров ва Мухаммад Али ижодларига бағишлаб ёзган “Мумтозлик чўққисини забт этган адиб” ҳамда “Миллат тарихини улуғлаган қалб” номли мақолалари алоҳида эътирофга сазовор.

Ижодкорнинг кўплаб шеърли китоблари борлигини кўпчилик яхши билади. Аммо фикрчи публицистикада баён этиш бутунлай бошқача.

туфайлигина Туркистон ва Мовароуннахрда дастлабки икки Ренессанс юзага келганлиги инсониятга яхши маълум. Мақолада бу ҳақда атрофлича фикр юритилади. Муаллифнинг шеърли китобларидан бирига киритилган ушбу сатрлар юқоридидаги мақолага ҳам кўчиб ўтган:

Мозийдан боқиб турар

миннатдор оғаларинг,

Кўеш сенинг биландор,

қўксингга бос осмонни...

Юксалтирар Ватанин садақат, вафоларинг,

Ботирларине қурғайдир

Янги Ўзбекистонни!

Эътиборлиси, Ашурали Боймуроднинг ушбу китобига киритилган битикларнинг деярли барчаси республика марказий матбуоти саҳифаларида чоп этилган. Албатта, бу яхши ҳолат. Чунки мақолаларни ййгиб, битта китоб ҳолига келтириш хайрли ишдир.

Муаллиф тарихий-бадий публицистика билан бирлиқда улуғ боболаримиз Навоий, Бобур, Аҳмад Яссавий сингари зотларнинг ижодини ўрганиб, ўша буюк алломуларимизга эътиқод рами сифатида ўз фикр-мулоҳазаларини баён эта олганлиги яхши иш бўлган. Ҳатто улуғ шоирлар ижодидан таъсириланиб

ҚАМРОВ

ТУРКИЙ ТИЛЛАР БИРЛИГИ –

САБРЛИ ДИПЛОМАТИЯ, ЧУҚУР ИЛМИЙ-АДАБИЙ ҲАМКОРЛИК ДЕМАК

Инсоният тарихидаги ҳар бир ривожланиш босқичида тилнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлган. Зеро, мамлакатларнинг сиёсий ва маданий ҳаётида миллат тилининг нуфузи ҳамisha муҳим ҳисобланган. Бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилати томонидан 193 та мамлакат тан олинган бўлиб, аксарият давлатлардаги тиллар ёзма равишда қайд этилмаган. Шунга кўра, Ер юзидан тахминан 6900 та тил борлиги айтилади. Бироқ кўпгина мамлакатларда бир неча тил муомалада бўлиб, бу ўлкаларнинг давлат тили ҳамда адабий тил мезонларига бир қадар таъсир кўрсатади.

Тил географиясига назар солсак, туркий тиллар дунё юзидан кенг ҳудудларга тарқалган. Замонлар оша дунё тиллари тарихида бу ўзига хос улкан таъсир доирасини шакллантирган. Ҳақиқат, илдири бир бўлган, нафақат ўзининг, балки дунё тилларининг шаклланишига ҳам таъсир ўтказган бу тил туркумининг келиб чиқиши ва ривожланиши тўғрисида бугун ҳам кўп талаш-мунозарлар, баҳслар, тугал бир ечимини топмаган масалалар бор. Шу ваздан кўйида биз суҳбатга тортган мавзу ҳам сиз ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди деган умиддамыз. Суҳбатдошимиз — Туркиянинг Анадолу университети профессори, Туркий дунёга оид тадқиқот институти аъзоси, умрини туркий тиллар тадқиқига бағишлаган олим Ферди Бозкуртдир.



тилларга ишонган, режали, молиявий қўллаб-қувватланган ва қатъиятли муассасаларнинг жамоавий ақлий ва амалий ҳаракатларига боғлиқ. Институционал ҳамкорлик қанчалик кучли бўлса, тилларимиз ҳам шунчалик қудратли ва нуфузли бўлади.

— Бугунги кунда туркий давлатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларининг кучайиши қувонарли ҳолдир. Бу эса қардошлар ўртасида алифбо бирлигини ҳам тез фурсатда таъминлаш зарур.

Олим ҳақида маълумот:

Ферди БОЗКУРТ — докторлик даражасини луғатшунослик (лексикография) соҳасида ҳимоя қилган. Унинг асосий илмий тадқиқот йўналишларига луғатшунослик, корпус лингвистикаси (“derlem dilbilimi”), ономастика (номшунослик), социолингвистика (жамият тилшунослиги), матн лингвистикаси ва прагматика (нутқ амалиёти) қиради. Шунингдек, у ўзи фаолият юритган соҳаларида илмий таъсирнинг намоян бўлиши ва билим ишлаб чиқариш жараёнлари билан ҳам қизиқади. Бу доирада олий борган библиометрик таҳлил ишлари соҳанинг академик тузилмасини хариталашни мақсад қилади ва ушбу тадқиқотларнинг бир қисми рецензияланадиган илмий журналларда чоп этилган.

Олим луғатшунослик, корпус лингвистикаси ва чет элликларга турк тилини ўқитиш соҳаларига оид турли лойиҳалар модератори. Шунингдек, Ҳожатепа, Мерсин ва Османгази (“Haceteppe”, “Mersin”, “Osmangazi”) университетларида “TÜBİTAK” томонидан қўллаб-қувватланган ўз мутахассислик соҳаси бўйича турли семинарлар муаллифи. У Туркия Республикаси Миллий таълим вазирлиги, Турк тилшунослик қўмитаси (“Türk Dil Kurumu”) каби расмий ташкилотларда ўз илмий йўналишлари бўйича тадқиқотчи.

лигини кўрсатади. Сизингча, ягона туркий алифбога ўтишда нималарга эътибор бериш лозим ва бу жараёнда қандай тўсиқлар бор?

— Сўнгги йилларда туркий давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий яқинлашув тарихий ва тилшунослик алоқаларининг қайта тикланиши нукта назаридан жуда аҳамиятли. Бу жараён умумий мулоқот ва маданий майдонга бўлган эҳтиёжни янада оширмақда. Алифбо бирлиги гоёси ҳам айнан шу эҳтиёждан келиб чиқади, чунки ёзув тилнинг моддийлашган шакли ва ўчмас хотирасидир. Бироқ бундай туб ислохот ниҳоятда нозик, режали ва узоқ муддатли ёндашувни талаб қилади. Аввало, умумий алифбо барча туркий тил ва шеваларнинг фонетик бойлигини тўлиқ ифода эта олиши шарт. Масалан, қозоқ тилидаги ўзига хос унлилар ёки туркман тилидаги бурун орқали чиқадиган “п” товуши хусусиятлари эътибордан четда қолмаслиги лозим. Яна бир мисол, ўзбек тилидаги “андиша” сўзи билан турк тилидагисининг фарқи катта. Яъни, ўзбек тилида “ан-

диша қилдим” жумласи, “мен тортиндим, инсоф қилдим” маъносига бўлса, туркча синонимиди “endişeleniyorum” калимаси “мен хавотир олдим” деган маънони беради. Бу каби мисоллар барча туркий тилларда мавжуд. Кўриниб турибдики, ўзаги бир бўлган қадим туркий тилни нафақат шаклан, балки маъно жиҳатидан ҳам илмий ўрганиш талаб этилади.

Жараёндаги асосий тўсиқлардан бири, алифболарнинг вақт ўтиши билан миллий ўзлик рамзига айланиб кетганидир. Кирилл алифбоси айрим давлатларда бир неча авлоднинг адабий ва расмий хотирасига сингиб кетган бўлса, Туркия учун латин алифбоси замонавий республика тимсолидир. Ўзбекистон, Қозоғистон каби МДҚ таркибидagi айрим давлатларда кириллдан латинга босқичма-босқич ўтиш жараёни ҳали давом этмоқда. Шу боис алифбо алмашинуви фақат техник ўзгариш эмас, балки чуқур психологик ва маданий мослашув жараёнидир. Шунинг учун кескин ва мажбурий ўтиш эмас, камиди бир неча йиллик ўтиш даврини қамраб олган, босқичли таълим ислохотларини ўз ичига олган йўл харитаси зарур. Бу жамиятдаги қаршиликни камайтиради ва авлодлар ўртасида узилиш юзага келишининг олдини олади.

Яна бир жиҳат — улкан техник ва молиявий қўйдир. Давлат архивларида тортиб таълим тизимига, кўча белгиларидан рақамли платформаларгача, ҳуқуқий ҳужжатлардан нашриёт соҳасигача бўлган барча соҳаларни қамраб олган ўзгариш миллиардлаб маблағни талаб қилади. Шунингдек, алифбонинг “Unicode” тизимида тўлиқ тан олиниши, клавиатуралар, шрифтлар ва дастурий таъминотларда қўллаб-қувватланиши ҳам жуда муҳим. Бу борада туркий давлатларнинг умумий рақамли стандартлар комиссиясини тузиш жараёни анча енгиллаштириши мумкин.

Умумий қилиб айтганда, ягона туркий алифбо сабрли дипломатия, чуқур илмий ҳамкорлик, етарли молиявий таъминот ва кенг жамоатчилик келишуви орқалигина амалга ошиши мумкин. Алифбо бирлиги — тил бирлиги дегани бўлмас-да, маданий ва интеллектуал алмашуви беқийс даражада тезлаштириладиган, умумий ўзликни мустақамлайдиган кучли кўприк вазифасини бажаради.

— Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорликда олимлар ва ёзувчилар нуфузининг ошиши маданий ҳаётимизда катта адабий жараёнларни юзага чиқармоқда. Бу йўналишда яна қандай янги ҳамкорликларни кўришни истар эдингиз?

— Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги илмий ва адабий яқинлашув умумий туркий маданий маконинг қайта жонланиши йўлидаги энг умидбахш жараёнлардан биридир. Бу ҳамкорлик нафақат тарихий илдишларни мустақамлайди, балки XXI аср учун янги, динамик фикр муҳитини ҳам яратлади.

Авалло, “Умумий академик ва адабий рақамли архив”ни ташкил этиш жуда муҳим деб ҳисоблайман. Бу архив фақат қўлёзмаларни рақамлаштириш билан чекланмасдан, илмий мақолалар, диссертациялар, адабий журналлар, озғак ижодий материаллар ва ёзувчилар архивларини ягона очик платформада жамлаши дегани. Бу тадқиқотчилар учун беқийс манба бўлиши билан бирга, ёш авлоднинг умумий маданий кодлар билан боғлайдиган виртуал кутубхона вазифасини ҳам бажаради. Иккинчидан, университетларимизда айланма асосда фаолият юритувчи қўшма кафедраларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу кафедралар доирасида ҳар икки мамлакат олимлари навбатма-навбат иш олиб боради, қўшма магистратура ва докторантура дастурлари амалга оширилади. Бу ҳамкорликни вақтинчалик лойиҳалардан доимий илмий марказлар даражасига кўтаради. Шунингдек, “Ўзбекистон — Туркия қўшма илмий ва маданий лойиҳалари платформаси”ни яратиш ҳам ниҳоятда муҳим. Бу рақамли платформа орқали олимлар, ёзувчилар, нашриётлар ва маданий муассасалар ўз профилларини яратиш, қўшма тадқиқот гоёлари билан чиқишлари мумкин бўлади. Грантлар, стипендиялар, таржимани қўллаб-қувватлаш дастурлари ва ҳуқуқий маълумотлар шу ерда жамланади. Энг муҳими, бу босқич фанлар устуворлигига асосланган ҳамкорликни рағбатлантириб, чунончи, ўзбек тарихчиси, турк адабиётшуноси ва рақамли гуманитар соҳаси мутахассисини ягона лойиҳа атрафида бирлаштири олади.

Бундай тузилма индивидуал ҳаракатларни тизимли, барқарор ва институционал ҳамкорлик маданиятига айлантирадиган мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Хулоса ўрнида айтишим мумкинки, жаҳон сатҳида туркий давлатларнинг тил, алифбо, адабиёт ва маданият борасидаги бирлашуви тили ва ўзаги бир бўлган туркий давлатларнинг ўрнини янада кучли ва мустақам қилади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун катта раҳмат.

— Сизга ҳам ташаккур.

Суҳбатдош ва таржуман: Наргиза АСАДОВА.

ХОРИЖ

РЕЙДЛАРДА 90 КИШИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Туркия ҳуқуқ-тартибот идоралари мамлакатнинг 24 та провинциясида ИШИД гуруҳига қарши рейдлар ўтказди. Мамлакат Ички ишлар вазирлиги шу йилнинг 20 апрель кунини баёнот бериб, 80 дан ортиқ гуноланувчи қўлга олинганини маълум қилди. Бу ҳақда “Daily Sabah” хабар берди.

Вазирлик маълумотиға кўра, рейдлар Жандармерия бош қўмондонлигининг терроризмга қарши кураш бошқармаси ва Бош прокуратура идоралари билан ҳамкорликда амалга оширилди. Жараёнда провинциал жандармерия бўлиналари бевосита иштирок этди.

Вазирликнинг қайд этишича, ушбу операциялар ИШИДнинг одамларни ёллаш, таригот юритиш ва молиялаштириш тармоқларини йўқ қилишга қаратилган.



“NESTLE” БОЛАЛАР ОЗУҚАСИДА ЗАҲАРЛОВЧИ МОДДА АНИҚЛАНДИ

Арманистонда “Nestle” компаниясининг “NAN” брендидаги болалар озукасининг 9700 кг миқдордаги партияси хавфли деб топилди ва йўқ қилинди. Бу ҳақда республиканинг озиқ-овқат хавфсизлиги назорат органи маълум қилди.

ОАВ хабарига кўра, ушбу қарор Россиядан олинган лаборатория таҳлиллари натижалари асосида қабул қилинган. Текширувлар давомида қуруқ, тез эрийдиган, сутгли ва нордон сутли болалар овқатларида хавфли токсин бўлиши мумкинлиги аниқланган.

Бунга ташки етказиб берувчидан олинган хомашёда серурид токсини мавжуд бўлиши эҳтимоли сабаб бўлган.

Компания маълумотиға кўра, мазкур модданинг миқдори жуда кам ва хавф эҳтимоллиги характерга эга бўлган.

Эслатиб ўтамыз, жорий йилнинг январь ойида Ўзбекистонда ҳам “Nestle” компаниясининг айрим болалар овқатлари таркибиде токсин аниқлангани сабабли уларнинг савдоси вақтинча тўхтатилганди.



МУДОФАА БИТИМИ БЕШ ЙИЛГА УЗАЙТИРИЛАДИ

Франция президенти Эммануэль Макрон келаси ҳафта Грецияга ташриф буюриб, икки давлат ўртасидаги хавфсизлик ва мудофаа битимини яна узайтиради. Бу ҳақда Греция ҳукумати вакили “Reuters” агентлигига маълум қилди.

Франция ва Греция — узоқ йиллик НАТО иттифоқчилари 2021 йилда ўзаро ёрдамни назарда тутувчи мудофаа келишувини имзолаган эди. Ушбу битимга кўра, томонлардан бири ҳужумга учраса, иккинчиси ёрдам бериши керак.

Макроннинг 24-25 апрель кунлари амалга оширадиган ташрифи давомида ушбу келишув яна беш йилга узайтирилади ва кейинчалик автоматик равишда янгиланиб боради.



ҚАДИМИЙ ТАРИХ ИЗЛАРИ

Мавритания шимолида, Аддрар платоси ҳудудида табиат ва тарих уйғунлашган ҳайратланарли манзаралар учрайди. Бу олис саҳро бурчаги инсон цивилизациясининг энг қадимий изларини ўз бағрида сақлаб қолган деб таъкидланади.


Бу ерда палеолит даврига оид тош қуроллар, неолит даврига тегишли қоятош расмлари ҳамда қадимда қарвон йўллари устида хизмат қилган ўрта аср манзилгоҳлари қолдиқлари топилган. Улар бу ҳудуднинг минг йиллар давомида инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлганини кўрсатади.

Космосдан қараганда, бу манзарани биринчи навбатда табиат шакллантирган деб таассурот уйғотлади. Шамол таъсирида пайдо бўлган улкан қум “денгизлари”, турли рангдаги дунлар ва қора тусли саҳро қопламалари платонинг юзасини ўзига хос тарзда беабад туради. Қадимий сув оқимлари эса бу ерда чуқур водийлар ва қуриб қолган дарё ўзанилари тармоғини яратган.

Бироқ энг кўзга ташланадиган геологик ҳодиса бу — платонинг шарқий қисмида жойлашган улкан ҳалқасимон тузилма, яъни Ришат тузилмаси ҳисобланади. Унинг мураккаб концентрик шакли илк бор 1930 йилларда француз географлари томонидан ўрганилиб, “Ришат тугма тешиги” деб номланган.

Тахминан 40 километрга яқин кенгликка эга бўлган ушбу тузилма дастлаб метеорит тушиши натижасида пайдо бўлган катта кратер деб ҳисобланган. Чунки катта космик jismlar Ер юзасида айнан шундай айлана шакли излар қолдириши мумкин.

Тузилманинг тўқ сариқ ва қулранг ранглари эса ер ости ва ер усти жинслари ўртасидаги фарқи яққол намоян этади. Бу эса нафақат геологик жараёнларни, балки табиатнинг миллион йиллар давомидаги ўзгаришларини ҳам акс эттиради.



НОЎРИН УЯТДАН ҚУТҚАРУВЧИ ТИЗИМ

Германиянинг “Die Zeit” наشري фашистлар партияси (“NSDAP”) аъзоларининг архив ҳужжатларини ўз ичига олган янги қидирув тизимини ишга туширди. Бу платформа орқали фойдаланувчилар ўз аждодларининг партия аъзоси бўлган-бўлмаганини аниқлаши мумкин. Апрель ойи бошида ишга тушган сайтдан ҳозиргача миллионлаб марта фойдаланилди. Бу ҳақда CNN хабар берди.

“Die Zeit” наشري тахририятининг таъкидлашича, ушбу улкан маълумотлар базаси “ноўрин уятга чек қўйиш” мақсадида йўлга қўйилган. Лойиҳа Германия ва АҚШ архивлари билан ҳамкорликда амалга оширилди.

“Die Zeit” нашининг тарих бўлими раҳбари Кристиан Стааснинг сўзларига кўра, одамларнинг қизиқиши жуда юқори. Илгари ҳар йили ўртача 75 минг киши бу маълумотларни олиш учун федерал архивга мурожаат қилар эди. АҚШ архивлари маълумотларни онлайн эълон қилганида, сайт кучли юклама туфайли вақтинча ишламай қолган.

Нашр бу маълумотларни сунъий интеллект (СИ) ёрдамида қайта ишлаб, қулай қидирув тизимига айлантирди.



Интернет хабарлари асосида Мухаммадсодик ТўРАЕВ тайёрлади.

ТААССУРОТ

СЕВГИ ВА МУҲАББАТГА ОШУФТА КЎНГИЛ

(Иқтидорли шоир Муҳиддин Омон ижодига бир назар)

Ўзбек шоирларининг кейинги йиллардаги ижодига назар ташлайдиган бўлсак, турли оҳангдаги ва ўзига хос услубда яратилган шеърлар намуналарининг гувоҳи бўлиш мумкин. Катта авлод вакиллари, урта авлод ва ёшлар ҳам баравар ижод қилиб, шеърят мухлисларининг эътирофига сазовор бўляптилар. Бунга республикамиз марказий газеталари, журналларида босилиб чиқаётган шеърлар ва шеърый тўпламлар билан таниш бўлган шеърят шайдоларининг фикрлари асос бўла олади, дейиш мумкин.

Бугун шеърлари таҳлилга қўл уришга уринганимиз — шоир Муҳиддин Омон ўрта авлод вакили бўлиб, серқирра ижодкорлар сирасига қиради.

Шоир Муҳиддин Омон... Бу ўзига хос овоз соҳиби адабиёт майдонига ўтган асрнинг 80-йилларида Чори Аваз, Равшан Файз, Аъзам Ўктам, Абдували Қутбиддин, Чоршаъм каби тенгдош шоирлар билан бирга қадам қўйди. Айтиш керак, у ўша пайтлардаги Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг ўзбек филологияси факультетига ўқиб юрган кезларида намунали хулқи, яхши ўқиши, эндигина бошлаган ижоди билан таниқли адабиётшунос устозлар ва тенгдошлари эътиборига тушган ва булардан руҳланиб, "олтин давр"даёқ анча-мунча шеърлар ёзиб, қоғозлари қоралашга улгурган эди.

Муҳиддин Омон шеърларида ватанпарварлик, элу юрт қорига яраш, она заминга садоқат сингари кечинмалар туйғуларининг ички товланишлари тарзида ифодаланади. Ўтган йиллар давомида унинг қатор шеърлари тўплам бўлиб, ўқувчилар қўлига етиб борди.

Муҳиддин Омон ўзига хос овозга эга, камтар, табиатан сокин шоир. Унинг ҳар бир шеърини янги маъно топиш мумкин. Узи шеър дегани шундай бўлиши керак, аслида. Мана, қарийб қирқ йил ичиди шоирнинг "Кўнгли дар-боси", "Толе фасли", "Мунаввар соғинч", "Ўртамизда ишқнинг гулхани", болалар учун "Дакан хўроз ва унинг жўжалари", "Соғломжон алифбоси", "39 топишмоқ", "Зехни аъло, тили бурро", "Буюмлар тилга кирса" номли китоблари нуфузли нашриётларда чоп этилди ва ундан минглаб ўқирманлар баҳраманд бўлишди. Она табиат, ишқ-муҳаббат, садоқат хуёна, умр ҳикмати, содда ва бетакрор болалик ўй-хаёллари шоир Муҳиддин Омоннинг сеvimли мавзулари ҳисобланади. Мана бу сатрларни ўқиб кўрайлик:

**Сўлим қишлоқ, Сукунат. Оқшом,
Кўкда қолдуз сайр этган маҳал.
Умр шарҳинг этказиб давом,
Ой бермоқда самога сайқал.**

Чиройли ташбех, шундай эмасми? Ушбу сатрларни шоирнинг "Қишлоқ кечаси" шеърини олдик. Шеър қаҳрамонининг ҳис-туйғулари жуда самимий, ўзига хос тарзда ифода этилган. Шеърни мутлола қиларкансиз, кўз олдинда сирли сукунатга чўмган сўлим қишлоқ, унинг яшил болғари, меваларга бурканган дарахтлари, бир томонда сукунатни бузиб, шарқираб оқаётган шўх сой гавдаланади. Ҳақиқатан, аjoyиб манзара. Беҳиштиёр ёшлик даврларингиз, ёз кунлари қишлоқ кўчаларида билкиллаб ётган иссиқ тупроқни босиб, хув қирга ўрлашингиз, табиатнинг аjoyиб манзараларидан кўзингиз қўвонгани ёдга тушади. Чаландан ҳам шoir табиатнинг бетакрор мўъжизакорлигини ҳис қила олган, шу билан бирга, атроф-муҳитни ҳам жонли, ўзига хос тарзда шеърга сола олган. Ушбу сатрлар бунга далил бўла олади:



**Ховуз бўйи чордона қуриб,
Гурунлашар дарахтлар бедор.
Райҳонларнинг атрин шопириб,
Бода каби ел этар нисор.
Чигирткалар "ғижжағ"ин олиб,
Куй бошлайди узундан-узук.
Ямоқ тўнин остига олиб,
Мудрамоққа тутинар қишлоқ.**

Таъкидлашни истардик, Муҳиддин Омон шеърларида она табиат ўзига хос жилваланади ва қишлоқ манзараларини кўз ўнгингизда шундоққина гавдалантира олади. Юқоридаги келтирилган мисолларда қишлоқ кечаси манзараси, чигирткаларнинг галма-гал "ғижжағ"ини чалиши, ямоқ тўнин остига олиб ётиш каби тасвирлар — буларнинг барчаси бир ум бўлса-да, ўқирманнинг ёшлик хотиротларини қайта жонлантиради, қалбида аjoyиб ҳис-туйғуларни жўш урдиради беихтиёр.

Шоирнинг "Қишлоқ", "Ота маконим", "Қоронгу тун хаёллари", "Эсон ботир арфосаси", "Иштибоҳ" каби шеърларида ҳам она қишлоқ, табиатнинг аjoyиб лавҳалари жуда аjoyиб тарзда акс этганки, булар орқали кўз олдимизда жонажон Ватан тимсоли гавдалантирилади.

Айтиб ўтилган шеърларда лирик қаҳрамоннинг туйғилиб, воғая етган она қишлоғи, шулар тимсолида Ватанга бўлган муҳаббати, эътиқод ва садоқати шундоққина кўриниб турибди, десак, муволафа бўлмайди.

Китобдан жой олган "Онамга мактуб", "Баҳор соғинчи", "Қорлар эриб борар", "Баҳор нашидаси" шеърлари ўқувчи қалбига аjoyиб туйғулар уйғотиб, меҳр, муҳаббат, баҳорнинг айна кунларидагидек гўзал тароватини таранум этади.

Гули сафсар қаҳида кўпчилик билади, лекин гули савсан қандай гул экан? Муҳиддин Омоннинг тўпламдан жой олган "Гули савсан" шеърини гўят таъсирли ёзилганининг гувоҳи бўласиз:

**Сен кимсан, қайдасан, қачон келасан,
Қайси боғ, қай гулзор эрур масканин?
Етмиш йил интизор, мижҳа қоқмасдан,
Мен сени кутаман, Гули савсаним!
Сен қайда юрибсан?**

Шеърда ғамгинлик ҳамда маҳзунлик қайфияти акс этиб турган бўлса-да, сатрлардаги ўзига хос рамз, нимагадир ишора ўқувчини беҳиштиёр чўқур ўйга толдиради.

Салмоқли, етти фаслдан иборат этиб тартибланган "Ўртамизда ишқнинг гулхани" китобидан жой олган кўплаб шеърлар иқтидорли шоир М.Омоннинг ёрқин истеъдодини ўзида акс эттириб турибди, десак, бу китобни ўқиганлар бунга яна бир бор амин бўлишади.

Бир китобда ўқиб қолганим — таниқли адабиётшунос олим Нўмон Раҳимжонов шоирнинг "Гудак кўзларимда қотиб қолган оҳ, Мурғак сўзларимда яширинган мунг" деб бошланган шеърини таҳлил қилар экан: "Самимий кечинмалар она тупроқ билан қондошлик алоқаларини аналатади. Ушбу эзу туйғулар — тансиқ тушунчалар томдан тараша тушгандек қўқисдан пайдо бўлган эмас. Уларни туйғилиб ўсган-унган қишлоғи тарбиялаган, кўнглида ардоқлаб камол топирган. Таҳи бузилмаган, эзгин кечинмалар талқинидан мўл-мўл фикр-мушоадалар сизиб чиқади. Ва улар ўткинчи эмас, фасллар, йиллар кечса-да, эскирмайди, қадрли сўнмайди, сусаймайди". Аjoyиб ташбехлар, албатта.

"Муҳаббат соғинчи" китобининг сўзбошида "Инсон бир умр эзулик, бахт-саодатини соғиниб, уларга интилиб яшайди. Энг гўзал шеърлар ҳам соғинчдан ҳаётга келади. Модомки, қалбингизда яхшилик, хайру саховат соғинчи уйғоқ экан, демак, дилингиз равшан, ниятингиз пок, нигоҳларингиз некиндин-қил", деб ёзилган. Таъкидлаш керак, шоирнинг "Мунаввар соғинч" шеърини мажмуасидан баҳраманд бўлгач, шундай рангин ва соҳир туйғуларини ҳис қиласиз. Айниқса, китобхонда М.Омоннинг "Умр ўтар", "Отанинг насихати", "Кўнглим", "Яна баҳор қаҳида", "Райҳона", "Муҳаббат оташдан яралган" шеърлари жуда яхши таассурот қолдиради.

Энди шоирнинг сонетлари қаҳида. Китобдан жой олган сонетлар чўқур маъносини, мазмунини билан таҳсинга олади. "Озулардан озурда сийнам", "Кам яшадим, забун яшадим", "О, қанчалар боқира, маъсум", "Ишқ оловдир, ёнар бетутун" деб бошланадиган сонетларда чин сеvги, вафо, муҳаббат ўзига хос тарзда мадҳ этилган.

Ўзига хос услубга эга шоир Муҳиддин Омоннинг "Куз сонатаси" тўпламидан унинг кейинги йилларда ёзган шеърлари, латиф манзумалари жой олган. Шеърлар она Ватан, сеvги, муҳаббат, дустлик, инсонийликка бағишланган.

Тўпламдаги шеърлар билан танишган, кишида шоир куз фаслида туйғилганмикин, деган тасаввур ҳам ҳосил бўлади, чунки тўпламда "Куз сонатаси", "Кузги боғ ва қизғалдоқ қаҳида бағлада", "Куз ойлари", "Куз манзаралари" шеърлари эҳтирос билан битилган.

Ўзига хос чиройли дизайнда чоп этилган китобчадан жой олган "Дустлик қаҳида", "Сура-тингни кўриб...", "Сенинг меҳринг билан", "Кўзимда қолди" шеърлари зўр завқ билан ўқилади.

Муҳиддин Омоннинг тўртликларида ҳам чўқур маъно-мазмун ҳақда эълан. Шулардан намуна келтирсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

**Бу олам омонат, бир карвонсарой,
Ул агар осмондир, биз — ўткинчи Ой.
Шуни англаб бўлсанг, эй гумроҳ одам,
Нечун талашсан обрў, мансаб, жой?**

Яна бир ибратли тўртлик:
**Қизик ҳолат кўпдир бир кам дунёда,
Ким ноқис ақлда, кимдир зийда.
Лекин мени доим ҳайрон қилгани,
Нодонлар отликдир, одил пийда.**

Муҳиддин Омоннинг болалар адабиётидаги изланишлари ҳам эътиборга лойиқ. У топишмоқлар, тез айтишлар тарзидаги шеърларида ибратли тарбиявий фикрлари билан ёшлар маънавиятини бойитишга, интеллектуал ўстиришга хизмат қилаяпти, десак, тўғри бўлади. Қу-затишлардан маълум бўляптики, болажонлар тилидан аjoyиб, чиройли сатрлар битаётган шоир келажак авлод вакиллари адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

Бола ва унинг ички дунёси қаҳида ёзиш, уни ишончли тарзда очиб бериш — шунчаки осон иш эмас. Айтиш керак, кейинги авлод болажонларнинг сеvimли ёзувчи ва шоирлари Қуддус Муҳаммадий, Қудрат Ҳикмат, Худойберди Тўхтабоев, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон, Кавсар Турдиева кабиларнинг асарларини ўқиб, улғайишган.

М.Омоннинг "Соғломжон алифбоси" тўпламидан жой олган шеърларни ўқиб, янгича, ўзига хос оҳангни ҳис қилиш мумкин. Алифбомизнинг ҳар бир ҳарфи бағишланган шеърлар жуда қизиқarli ва ниҳоятда топиб ёзилган. Уларнинг замирида жуда катта маъно ётибди, десак, муволафа қилмаган бўламиз. Мана бу тўртликни ўқиб

кўрайлик:
"А" ҳарфига бағишланган тўрт қатор шеър:
**Арғамчи — оддий арқон,
Овунчоқдир қадрдон,
Кўнаиб сакраймиш ҳар дам,
Бўламиш қаққон, бардам.**

Энди "М" ҳарфига таъриф:
**Моҳир мерган тўғри отар
Мудом нишонни.
Тийрақлиги, зийрақлиги
Бахш этар шонни.
Кўрган қойил қолар доим,
"Балли, мерган", — дер.**

"Ўз ишига чин юракдан
Меҳрин берган", — деб.
Шоир "Б" ҳарфига ҳам ўзига хос таъриф берган:
**Билсангиз, ўйинлар мўл,
Баридан зўр баскетбол.
Гарчи тўпда ўйингиз,
Усаверар бўйингиз,
Шоирнинг "П" ҳарфига берган таърифидан беихтиёр юрак ҳарпикади, қалбингизда юрт ифтихори, гурур жўш уради:**

**"Полвонлар, ҳой полвонлар,
Элдан олқиш олганлар,
Қудратингиз сирини не?"
Сўрар ҳайрон қолганлар.
Полвонлар дер: — Куч берар,
Она дийёр тупроғи,
Хиллираб турса агар
Дилда Ватан байроғи.**

**Юртингиз шаъни, доврugin деб,
Тушса агар майдонга,
Голбиллик жойи насиб,
Бўлар ўша полвонда.**

Катта-ю кичик мобил телефондан кўзини узоқлаб қолган бир даврда ижодкор учун ҳозирги болаларнинг кўнглига йўл топиш, диққатини жалб этиш осон кечмаслиги ҳам бор гап. Муҳиддин Омоннинг кичик ёшдаги болаларга мўлжаллаб ёзилган "Буюмлар тилга кирса..."

шеърлар тўпламидаги намуналар болажонларга жуда маъқул бўлиши табиий. Тўпламдан жой олган шеърларда ошона жиҳозлари сўзлайди. Шеърый китобда болажонлар атрофидаги барча буюмлар, ускуна ҳамда жиҳозларнинг тилидан кунвоқ, шу билан бирга, ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга шеърлар берилган.

Масалан, "Қозон нима дейди?"
**Оила аъзоларин
Ризқининг мен бекаси.
Ошона жиҳозларин
Ўзимман маликаси.
Исмин таратмас жанран,
Аммо қилар ишим зўр.
Ғафимга ишонмасанг,
Менсиз палов дамлаб кўр!
Гоҳ дилим этиб хуфтон,
"Қора қозон" дейдилар.
Аммо пиширсам таом,
Мақтаб-мақтаб ейдилар.**

Калгири ҳам эшитиб кўрайлик:
**Кимлар кулар афтимдан,
Кимдир атайди дастгир.
Доим очик қафтимдан,
Билинлар, исмин калгир.
Мошкичири ҳам шовла,
Ёки сиз суйган палов.
Пиширмоқ бўлса ҳамма,
Менга кўл чўзар дарров.
Демагн шунчаки асбоб,
Ушасам белкуракка.
Ошас учун энг яқин
Мих бўламан юракка.**

Санчқининг гапларига ҳам қулоқ тутсак:
**Ким айтибди санчқини,
Оврупадан келган деб.
Асли Шарқ фарзандиман,
Аждодим чўка-қўш чоп.
"Эслаб, Хитой, Тайванни",
Ўзим ҳам хузурланганми.
Сизга тутиб лағмонни,
Ишимдан гурунланган.**

Тўпламдаги "Қошиқ", "Чойнак билан пиёла", "Ўқлов", "Элак", "Това", "Ошпичоқ" ҳам ўзини чиройли таърифлаган.

Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида китобхонлик маданиятини юксалтириш ҳамда китоб тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани, юртимизда "Китобхонлик ҳафталиги" тадбирлари ўтказилаётгани, бу — китобга, маънавият ва маърифатга, келажак эътибор дегани. Китобхонлиқни оммалаштириш, айниқса, ёшларимизнинг фикри, онги, тафаккурини юксалтириш — бугунги куннинг ҳам талаби, ҳам эҳтиёжи ҳисобланади.

Муҳиддин Омоннинг жаҳон адабиёти, шунингдек, қардош халқлар адабиёти вакиллари ижодидан қилган таржималари ҳам эътиборга молик. Унинг "Ўртамизда ишқнинг гулхани" деб номланган китобидидаги шеърлари, жаҳон муомта адабиёти ва қардош халқлар вакиллари шеърятининг буюк сўз санъаткорлари ижодидан ўзбек тилига ўғирган шеърлар гавдаларидан намуналарни ўқиб, жуда катта таассуротлар олиш мумкин.

Яна бир мулоҳаза, Муҳиддин Омоннинг ижодидида муҳим ўрин тутадиган таржималари алоҳида ўрганиш ва тадқиқот учун мавзу бўлишини таъкидлашни истар эдик. Чунки уни жаҳон муомта адабиёти вакиллари, хусусан, Англия, Португалия, Голландия, Латвия, Озарбайжон ҳамда Арманистон шеърятининг буюк сўз санъаткорлари ижодидан шеър ва гавдаларини ўзбек тилига аjoyиб тарзда ўғирган таржимон сифатида ўзига хос ўринга эга, десак, муволафа қилмаган бўламиз.

Юсуф ҲАМДАМОВ,
филология фанлари доктори.

АДОЛАТ ЙЎЛИДА

Терговчининг иш жараёнидаги ҳар бир қарори ортида ўзининг ҳаёт-мамоти билан бирга оиласининг осойишталиги, тизимдаги иш мароми, кўйинг-чи, бутун бир жамиятнинг адолатга ишончи ва ишонсизлик эҳтимоли туради. Шу боис бу соҳа фақат билим ва тажрибани эмас, чўқур мулоҳаза, ҳолислик, фидойилик, юсак виждон ва алоҳида қобилиятни талаб қилади.

Наманган вилояти Мингбулоқ тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими бошлиғи, капитан Раҳматулло Абдураҳмонов фаолияти билан танишув жараёнида шуларни англадим. Ва яна тушуниб етдимки, айнан шу касб ўз эгасини танлар экан.

2013-2014 йилларда Раҳматулло ҳарбий хизматда бўлиб, ўзини ИИБ Академиясида таҳсил олишга тайёрлаганди. Эл-юрт осойишталиги учун бутун борлигини сафарбар этиш, ҳамisha хушёр ва жисмонан шай туриш унга одат бўлди. Ҳарбийлар ва ички ишлар ходимларининг мураккаб фаолият йўли қаҳида ўқиганларини ҳаёт билан солиштирди.

2018 йилда лейтенант унвони билан иш бошлаган йигитнинг нигоҳларида бир мақсад бор эди: "Ҳақиқат, адолат йўлида хизмат қилиш".

Учқанди суриштирув жараёнлари, Учқурғондаги жиноятларни очиш билан боғлиқ мураккаб ва-

ТЕРГОВЧИНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ САРГУЗАШТ

ёхуд ҳақиқатнинг кўзларига тик боқиб...



зиятлар ва вилоят бошқармасининг қатъий талаблари Раҳматуллонинг иродасини тоблади. Касбга садоқат, адолатга ишонч, ҳақиқатга ихлол билан тик қараш ва юртга муҳаббат уни ҳар қадамда ривожлантирди.

Мана, эндиликда Мингбулоқ тумани Ички ишлар бўлимининг тергов бўлимига раҳбарлик қилаётган Р.Абдураҳмонов фақат топшириқ бажарувчи эмас, қонун билан қафо-

латланган ҳуқуқ ва бурчлари доира-сида ўз билим ва тажрибасига суянган ҳолда мустақил иш юритмоқда. У ҳар бир мураккабни диққат-эътибор билан эшитиб, ҳар қандай мазмундаги масалани шахсий дардидай қабул қилади.

Терговчи сифатида жиноят ишини фақат ўрганмайди, чўқур таҳлил қилади, сидқидилдан туйғуларини ҳис қилади, воқеа ичиди яшайди, ин-

сонга хос мураккабликларни назардан қочирмаган ҳолда юрагидан ўтказди.

Ёдида, оддий чорва ўғрилиги кўринишидаги иш. Гумонланувчи қўлга олинган, айбига тўлиқ иқдор, хужжатлар ҳам бадастир.

Аммо капитан Раҳматулло Абдураҳмонов кўнглидаги шубҳа ари-маъпти. Аввалги ўз-ўзини таҳлил қилди. Ҳар ҳолда, бу ички сезги тарзидаги шунчаки бадгумонлик эмасми?

Қайта терговга киришди. Терговчи бу сафар ўғрилиқ ҳаракатининг ҳар бир вазиятини қадам-бақадам назардан ўтказиш билан росмана яшаб ўтди. Телефон сўзлашувларини ўрганиб, ҳар бир алоқа мазмунини синчковлик билан текширди. Шу тариқа таҳлил орқали бўлиб ўтган жиноятда "учинчи шахс" — Х.З.нинг иштироки аниқланди.

Агар иш фақат тўпланган хужжатларга таяниб яқунланганида, асосий айбдор озоқликда бўлар ва яна жиноят урчиши мумкин эди. Раҳматуллонинг билими ва профессионаллик тажрибаси тўғрисида жиноят ёрқин очилди.

— Терговда ишга ҳеч қачон бир тарафлама ёндашиб бўлмайди, — деди у. — Шахслар, деталлар назардан қочирилмаслиги керак. Агар терговчи ҳолислик тарозисини тўғри ушламасан, тамом. Бу ноҳолислик янада катта ва фожияли жиноятларга сабаб бўлиши мумкин.

Бугун Раҳматулло Абдураҳмонов бошчилигидаги чекка бир тумандаги ИИБ тергов бўлимидаги ходимлари учун "фуқаро муҳофазати" кундалик вазифаларни бажаришига эмас, ҳеч бир инсон ҳуқуқининг поймол бўлмаслигини таъминлаш. Халқ вакилларининг адолатга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш ва шу тариқа ҳаётдан розилигини қафолатлаш.

Агар терговчининг виждони тоза бўлса, унинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир иши ҳақиқат ва адолатнинг энг тўғри йўлини белгилайди. Бу фикр Раҳматулло Абдураҳмоновнинг амалий фаолиятига ҳам тўла мос келади.

Қаҳрамонимизнинг бизга ортқ вақт ажратолмаслигининг сабабларини қисқа мулоқот жараёнидаёқ

тушунгандек бўлди. У ҳамкасблари билан қандайдир режа бўйича "кўз суҳбатини" ҳам ўтказгандек бўлди.

Балки, яна бир мудҳиш жиноятнинг илдизини очиб ва қонун тарозисига солиш жараёнига киришаётгандир. Ҳар ҳолда, унинг олдиндан кўнгли тўлиб чиқдим. Эл-юрт осойишталиги йўлидаги жонбозлик, хушёрлик ва яна терговчиларга хос фидойиликни ўзимда ҳам ҳис қилаётган эдим.

Мингбулоқ тумани ИИБдан қайтарканман, тегишли тартибдаги мураккаб билан қаҳрамонимнинг маълумотномасига кўз ташладим. Эътиборимни тортган ва ёдимда қолганлари шу: Наманган вилояти Мингбулоқ тумани ИИБ ҳузуридаги тергов бўлимидаги бошлиғи капитан Абдураҳмонов Раҳматулло Абдуллажон ўғли оилада тўрт қиздан кейинги ёлғиз ўғил. Ойлали, икки нафар фарзанди бор. Хизмат фаолияти давомида 11 мартаба рағбатлантирилган...

Навбатдаги тергов ишини яқунлағач, Раҳматулло Абдураҳмонов билан яна кўришишни, у билан ишлаётган ақил жамоанин муваффақиятлари қаҳида кенроқ ва батафсилроқ ёзишни ният қилдим.

Жаҳонгир ТҲУТАСИНОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

МАШХУР АСАРЛАР



Буюк адибнинг эхтиросларга бой романи

Колумбиялик машхур адиб Габриэль Гарсиа Маркес (1927-2014) ўз вақтида Латин Америкасидаги номдор оммавий ахборот воситалари — “El Heraldо”, “Momento”, “El Espectador”, “El Universal”, “Prensa Latina” каби газета-журнал ва агентликларда мухбир, шарҳловчи ва репортёр сифатида қалам тортган. Соҳада орттирган бой тажрибаси (тўрт юзга яқин мақола, очерк ва репортаж) буюк ёзувчи адабий услубининг шаклланишига улкан таъсир кўрсатгани, журналистлики “дунёдаги энг гўзал касб” деб сўзлашди деган ардоқлаган.

Жаҳон адабиётида “фусункор реализм” дея аталган янги адабий оқим асосчиларидан бири бўлган адибнинг “Ёлғизликнинг юз йили”, “Бузрукнинг кузи” романлари, “Ошқора қотилик қиссаси”, “Полковникка ҳеч ким хат ёзмайди”, “Тўқилаётган япроқлар” каби қиссалари ҳамда кўплаб ҳикоялари ўзбек китобхонларининг ҳам маънавий мулкига айланган.

“Нугиғат” газетаси мухлислари эътиборига бир жўз ҳа-вола этилаётган “Августда учрашамиз” романи — ёзувчининг сўнгги асари, ижодининг зафарли яқуни. Бу ҳақда адибнинг фарзандлари Родриго ва Гонсало Гарсиа Барча асарининг 2024 йили чоп этилган илк нашрига ёзган сўз бошида шундай савмилий сатрларни ўқиб мумкин:

“Хаётининг сўнгги йилларида отамизга хотираси панд бера бошлаган эди. Бу дард, тасаввур қилишимиз мумкин, барчамиз учун оғир синво бўлган. Буюк адибнинг ўзини эса мудом пойдор бўлиб келган заҳматқошлик қобилияти ва

ёзиш имкониятидан маҳрумлик ҳаммасидан кўпроқ умидсизликка солар эди. Бир кун бизга аниқ ва лўнда қилиб — ҳар ҳолда падаримиз ўша кунлари ҳали буюк ёзувчиға хос гайрат-шижоатидан айрилмаган эди — шундай дегани ёдимизда: “Хотира — меннинг хомашём ва иш қуролим. Усиз қолгани — бир пул”.

“Августда учрашамиз” романи — отамизнинг барча жудликларига қасдма-қасд давом эттирган сўнгги ижодий изланишлари махсули. Бу жараён ақлий қобилияти аста-секин сўниб бораётган чин мукамалпараст санъаткорнинг изтиробларига тўла заҳматларидан иборатдир. Қадрони-миз, ҳассос ношир Кристоаль Пера ушбу асарга ёзган изоҳларида роман матнининг кўплаб тафсиллари тарихини ба-тафсил (биздан кўра яхшироқ) дарж этган. Бизга эса отамизнинг қатъий ҳукми маълум эди: “Бу асар саёзроқ чиқди. Уни чоп этишдан воз кечиш керак”.

Биз воз кечмадик. Умумийдн шул эдики, недир қарорға келмоғимизни олий ҳакам — вақт кўрсатади. Отамиз ва-фотидан ўн йил ўтган, асарни қайтадан ўқиб чиқдик ва унда жозибали фазилатлар кутганимиздан ҳам бисёрлигини кашф қилдик. Тан олшимиз зарур: адибнинг йи-рик романларидан фарқи ўлароқ бу асарда тақомилла-лаб жойлари йўқ эмас. Тишға тегадиган айрим ўринлар, реза ноаниқликлар бор. Аммо мутлоага ошuftа кўншил-ларға Габриэль Гарсиа Маркес насридан баҳраманд бўлиш саодатини ҳис қилишда айна нотехниклар асло моне-лик қилмайди. Ақли китоб чексиз хаёлот, беҳад жо-зибали тил, мароқли ровийлик, инсон рўҳиятини қат-қати-

ага аниқлаш-тушуниш, бандасига хос ноёб кечинмалар ва ожизликлар, айнқса, муҳаббат бобидаги самимий изти-робларға мўл-кўл ошно бўлади. Муҳаббат эса буюк адиб ижодининг бош мавзуси бўлгани маълум.

Шундай қилиб, романи тағин ўқиб чиқдик, асар энди бизга ўн йил аввалгидан кўра мукамалроқ ва жозибали-роқ туюлди ва ўйладик: мабодо хасталик дардманд ёзувчи маттни янада тақомиллаштириши учун тўққинлик қилган бўлса-чи? Муайян нуқсонлариға қарамай, асари мукамал эканлигини аниқлаб етиш имконини бермаган бўлса-чи? Адиб мухлисларининг кўнглини олиш орусидан келиб чиқиб, ор-тиқча мулоҳазаларни нари сурдик ва отамизга берган ваъ-дамиздан кўз юмшға аҳд қилдик. Асар китобхонларға ман-зур бўлса, раҳматли отамиз биз, фарзандларини кечиради, деган умиддамиз.

Алқисса, романнинг чоп этилиши катта шов-шув-ларға сабаб бўлди. Қисқа муддат ичида ўнлаб мамла-катларда кўплаб тилларға таржима қилинди. Маркеснинг шох асарлари қаторидан жой олган ушбу романдан энди ўзбек китобхонлари ҳам баҳраманд бўлаётгани кўтлуг воқеадир.

Асар қаҳрамони — соҳибжамол Анна Магдалена Бах ҳар йили август ойида онасининг қабрини зиёрат қилиш учун оролга боради ва бир кечада бошқа одамға айланиб қолади. Ғарибгина мусофирхона майхонасида куй-қўшиқ тинглаб, кўн-гли очади. Кўнгли очин билан боғлиқ қўшилмаган саргузашт-лар эҳтиросларға бой “Августда учрашамиз” романиға хос энг ёрқин жиҳатлардир.

ЕНГИЛМАС РУҲ БИЛАН ЭКАВЕРИНГ СЎЗ

Муаллиф ҳақида:
Фозил ФАРҲОД 1985 йил Сурхон-дарё вилояти Кумкўрган туманида туғилган. 2010 йили Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг бакалавр, 2014 йили магистратура босқичларини тамомлаган.
2015 йилда “Мактуб”, 2019 йилда “Қўқлам куйи” номли насрий, 2025 йилда “Автопортрет” номли шеър-рий, “Болалик эртагим” номли ба-дий-публицистик китоблари чоп этилган.
Фозил Фарҳод айна пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ахборот хизмати бўлими бошлиғи вазифа-сида ишлайди.



1-6

ТУРКИСТОН

Бирлашолсак, Ватан обод, мангу бўлар,
Гўзал Ватан – Туркистондан кўнгул тўлар!

Ватан нима? Тупроқ, сувми, тоғу боғми?
У мусаффо осмон ва ё тинчлик чоғми?

Ватан – миллат, Ватан – миллат, Ватан – миллат,
Ватан – давлат, Ватан – давлат, Ватан – давлат!

Ватан бу – халқ, Ватан бу – халқ, Ватан бу – халқ!
Юрт деса – қалқ, юрт деса – қалқ, юрт деса – қалқ!

СЎЗ ЭКАРМИЗ ҚАҚРОҚ ЧЎЛЛАРГА...

Қақраб, чатнаб ётган тап-тақир чўлга
Мен бор-йўғи чин сўз эқмоқчи эдим.
Аммо симтиканлар тортдилар йўлга,
Оёқ-қўлим қонаб, отагон, дедим.

Товон шилинса-да, қўл тилинса-да,
Ё ота, деб ҳақ сўз экавердим жим.
Оғриқ жондан ўтиб, “их” билинса-да,
Ё она, деб чин сўз экавердим жим.

Эркин сўзлашимни истамас улар,
Эккан сўроқларим юлиб олишар.
Сўз экувчи, дея устимдан кулар,
Яна қадайверсам, додлаб қолишар.

Сенда ҳам сўз тошди – идишдай тўлсанг,
Улар-чи, ўх, сенинг қўлларинг бойлар.
Оғзинг билан сўзлар эқмоқчи бўлсанг,
Бўйинбоғда уни ёлмоқчи ўйлар.

Ким улар? Ёмонлик улар озиғи,
Кўзлари, юзлари йўқдир уларнинг.
Виждонсиз бандалар – улар ёзиғи,
Ҳатто ўз сўзлари йўқдир шуларнинг.

Лекин сен бўш келма, ортага қайрилма,
Нима қилсалар ҳам эк ўз сўзингни.
Оғзинг тикилса-да, сўздан айрилма,
Фикр билан сўз эк ўйса кўзингни.

Увол – ичиндаги сўзни айтмасанг,
Сўз айтмаган ҳаёт ҳаётмас, жүра.
Ҳақ сўзни айтмак йўлдан қайтмасанг,
Сен шу улуг халққа йўлдош ҳам тўра.

Миллатта манқурту қўрқоқлар эмас,
Ботирлар, гажирлар, ўрлар керақдир.
Халққа майдақашлар, тарқоқлар эмас,
Бирлашган, озоқлар, зўрлар керақдир.

Ерга саволлар эк, сўроқлар қада,
Нега, нима учун, дейишдан кўрқма.
Очунни сўз озоқ этади – ваъда,
Муқаддас риштани ҳеч қачон қирқма!

Қақраган чўлларға сув очавергин,
Эй кўзи қароғим, эй илми толиб,
Сўнги нафасгача сўз очавергин,
Сен ўшанда чиндан бўларсан ғолиб!

Фикр, сўз, амални бир қилинг, эй эл,
Шунда толе кулар, қўлгайдир ўз.
Оёқ-қўл синса-да, кесилса-да тил,
Енгилмас руҳ билан экаверинг сўз.

ОЗОД ОДАМ

Ўлжабой Қаршибойға

Навоий кўчаси, ўттизинчи уй,
Оломон боради антиқиб, шошиб.
Ҳаммада ўхшаш ўй – машина ва тўй,
Оқимға терс борар кимдир бош қашиб.

Бу бошда на уй бор, на-да бир уллов,
Жуфтини топиш ҳам эсидан чиққан.
Тирикчилик – сиртмоқ, у учун жилов,
Нукул газет, журнал, китоблар йиққан.

Унинг юришиға кимдир қилар ғаш,
Ким эса ортидан сермайди гап-сўз.
У шундайин телба, шундайин сарқаш,
Ичида ўзи бор, фақат сўз ва ўз.

Эртанги тақдирот ҳақидаги ўй
Ё узун хаёлда янги бир битик.
Оқшом ноёб асар кўрсатади бўй,
Рухи уйғоқ, аммо юраги титик.

Ҳаммага ўхшамас унинг хаёли,
Оломондан ўзга ҳатто нафаси.
У шундайин камтар, шундай хаёли,
Бирор қалбға ботмас азондай саси.


У бугун ўқиган китобин ўйлаб
Боради доншманд қиёфасида.
Озодлик ҳақида баралла қуйлаб,
Чиқади кудайин ўз қафасидан.

Қалбинда табассум, руҳинда қулғич,
Сен энг бахтли инсон, мангу шод одам.
Ким ҳақдир, ким ноҳақ, Худойим билғич,
Кўзида ёш қалқан, эй озоқ одам!

АВГУСТДА УЧРАШАМИЗ

(романдан бир жўз)

Габриэль Гарсиа
МАРКЕС,
Нобель мукофоти
соҳиб
(Колумбия)



сандига олмай қўйган офтоб эса аёвсиз олов пурқайди. Буталар орасидан беҳосдан отилиб чиққан баҳайбат калтакесак аёлнинг қар-шида таққа тўхтади, у билан кўз уриштир-гач, қочиб қолди.

Аёл сумкасида рўзгор қўлқопини олиб, кийди. Онасининг насл-насаби ва саккиз йил аввал вафот этган санаси битилган сарғиш мрамари топғунича учта қабр тошини артиб чиқишиға тўғри келди.

Аёл бу ерга ҳар йили ўн олтинчи август кунини, бир пайтда, бир машинада келади, бир сотувчидан гул сотиб олади ва онасининг қабрини бир даста барқ уриб турган самбит-гул билан зиёрат қилади. Зиёратдан сўнг, то эртаси кунини эрталаб соат тўққизгача, яъни биринчи паром бандаргоҳдан жўнаб кетгу-нича бошқа қиладиган иши қолмайди.

Аёлнинг насл-насаби — Анна Магдалена Бах. Ёши қирқ олтида. Йигирма етти йилки, бир-бириға кўнгул қўйган ва биринчи хуштори бўлган лигитинг никоҳида бахт-иқболға чул-ғаниб яшайди. Анна Магдалена ҳали боқира қиз, санъатшунослик факультети талабаси эканида турмушға чиққан. Мархума онаси Монтеасори — таълим услубидаги бошлан-ғи мактабда эл-юрт хурматини қозонган муаллима эдики, юксак обрў-эътибори ва хизматлари қарамай, умрининг охиригача мансаб зинаполярлардан кўтарилишдан бош тортиб келган. Анна Магдалена онасидан ой-да сержилва кўзларини, табиатан камгапли-гини, камсўқумлигини ва вазминлигини беэза турувчи ақлини мерос қилиб олган эди.

У мусиқачилар оиласидан. Фортелиано ўқитувчиси бўлган отаси қирқ йил давомида маҳаллий консерваторияға раҳбарлик қил-ган. Эри мусиқачилар сулопасидан, дирижёр, кейинчалик айна лавозимни, яъни ўз устози-нинг урнини эгаллади. Йигирма икки ёшида Миллий симфоник оркестрда виолончель ус-таси сифатида ном қозонган иқтидорли ўғли-нинг шахсий концертида Мстислав Леопол-дович Ростроповичдек машхури олам уни тик туриб оқшиқлаган. Ўн саккиз ёшли кизи эса ҳар қандай мусиқа қолғусини сайратишини бир тинглашдаёқ ўзлаштириб олишдек ноёб қобилият соҳибаси. Фақат айна қобилиятини уйда тунамасликнинг бир йўли деб билиши чаток. Жаз сурнайчисига ошику беқарор бў-либ қолган машаққат қиз ота-онасининг ҳай-ҳайлашиға қарамасдан, Фақир кармелитлар тарикатиға кириб, роҳибалиқни танлаган ва сочини тақир қирдириб ташлаган.

Муаллима онаси қазосидан уч йил аввал шу оролга дафн этилиш истагини билди-рган эди. Анна Магдалена мархум волидасини қабригача кузатиб келмоқчи бўлганида, уни бу йўлдан қайтаришган, узининг ҳам бундай жудодликка бардоши етмайдиғандек туюлган. Орадан бир йил ўтган, отаси уни оролга бирға олиб келиб, онасининг қабриға оқиш мрамар тош қўйдиргани ёдида. Осма моторли қай-икда кам деганда тўрт соатта чўзилган йўл аэзоабдан Анна Магдаленанин булари бўл-ган: қутурган денгиз бир сония тинчйи де-маган. Шундай бўлса-да, уни барқутдай ям-яшил ўрмон этагигача заррин қум сочилган пляжлар, қушлар чўғур-чўғури ва кўрғаз узра сокин қанот қоқайтган қарқаралар ҳай-рат солгани рост. Бири машхур шоир, ик-кинчиси мамлакат президентлиғига сайла-нишиға бир баҳя қолган серпаг сенаторнинг

Пардоз-андоз йўламаган таранг териси асални эслатса, буғдой ранг қовоқлари ости-дан чамқоқдай кўзлари жилва сочарди. У гўё ҳар бир хужайрасига норози ниҳоню мазаммати билан баҳо бериб чиқди ва шу тобда ўзини қандай ҳис қилаётган бўлса, худди шундай — барноларнинг барноси деб толди. Қўлиға узук ва соатини қайтадан тақар экан, кеч қолаётганини аниқлади: олти дақиқаси кам тўрт. Шундай бўлса-да, яна бир лаҳза тўхтаб, кўрғазнинг қайноқ маж-ларини узра осмонда оҳиста сузиб юрган қар-қараларни соғинч билан томоша қилишни ўзиға эп кўрди.

Кираверишдаги банан дарахтлари остида тақси қутиб турарди. Хайдовчи сўраб-нейтиб ўтирмай, хурмо дарахтлари ўраб турган хиё-бонни ортада қолдириб, меҳмонхоналар ўр-тасида қурилиши чала ётган майдонни макон тугатган ёймачилар бозорига ўтди ва гул со-тувчи аёлнинг олдида тўхтади. Омонат кур-сида мудраётган самбитдай занжи аёл ма-шина сигнализдан осеканиб кетди, ўзиға кел-ган, орқа ўриндиқда ўтирган жувонни дарҳол таниди ва жилмайиб қўйди. Нималарнидир тинимсиз бидирлаганича, атай тайёрлаб қў-йилган самбитгул дастасини унга узатди. Бир неча мавзедан кейин тақси ўтири қиррали харсанглар оралаб тепалик сари кескин кў-тарилиб кетган ва кўз илғаб-илғамайдиган йўл-кача бурлиди. Иссиқдан биллурдек товланиб турган тинч ҳавода Қариб денгизини майин я-станиб ётарди. Сайёҳлар бандаргоҳи бўйлаб кўнгулчон яхталар саф торган, соат тўртда жўнайдиган паром шаҳарға қайтиб кетмоқда эди. Тепалиқда ғарибгина қабристон осойиш товланган. Аёл занг босган эристини енгилгина итариб очди-да, қўлида — гудаста, ёввойи ўт босиб ётган қабрлар оралаб кетди. Ўрта-роқда тарвақайлаб кетган сейба — пахта да-рахтини мўлжал олиб, онасининг қабрини то-пиш осон эди. Жазирамада қизиб кетган ре-зина тағарма қарамай қирадор тошлар оёғиға қаттиқ ботарди, атлас соябонни-да пи-

Аёл ўн олтинчи август, жума кунини соат учларда оролга паромда келди. Жинси шим, шотландча катакли қўйлақ, яланг оёғиға пошнаси паст одмигина туфли кий-ган, қўлида атлас соябон ва сумкача тут-ган, сафар сумкаси эса ягона юки эди. Бандаргоҳда қалашиб ётган таксилар орасидан денгиз тўзи шурини хийла қуриб қўйган, қўҳна машинани танлади. Хайдовчи у билан синашгадек саломлашди ва девори қа-миш аралаш гуваладан кўтарилиб, томлари пальма япроқлари билан ёпилган уйлар, чў-дай қум қопланган кўчалари жазирамада қай-наб ётган поёнсиз оби баҳарға қараган ғариб-гина қишлоқ оралаб улловини елдириб кетди. У корридада буқаға қарши ҳужумға шайлан-ган жангчи сингарини ўзини гилдираклар тағиға ташлашдан қайтмайдиган лоқайд хинзирлар ва қип-яланғоч болақайларға чап бериш учун не бир чақонликлар кўрсатиб борар эди. Қишлоқ канорасида пошшойи хурмо дарах-тлари беэзаб турган хиёбонға бурлиди, пляж-лар ва меҳмонхоналар ёқалаб, очик денгиз ва мовий қарқаралар дайдиб юрган кўрғаз орасидан гизиллаб ўтди ва ниҳоят ғоят эски, ғоят хароб мусофирхона олдида тўхтади.

Мулозим ёзиб тўлдирилган ҳужжат билан пештахта ёнида қутиб турган экан, фақат имзо чекиш ва унинг қўлидан кўрғазға қара-ган иккинчи қаватдаги ягона хонанинг қали-тини олиш қолган эди. Аёл зиналарни жуфт-лаб босганича, юқориға шитоб кўтарилди. Яқинда сепилган бўлса керак, сичқондорин-нинг ҳиди димоқни тешай дейди. Икки киши-лик баҳайбат қаравот қарийб буткул эгалла-ган, жиҳозлари ғарибдан-ғариб хонаға кирди. Сафар сумкасида бежиримгина пардоз қу-тинчасини ҳамда саҳифалари тўлиқ кесиб очилмаган китобни олиб, орасиға фил суяғи-дан асалган пичоқни тикиди-да, тумба устиға қўйди. Пушти ранг шойи кўйлагини ёстик ос-тиға яширди. Чарх ураётган қушлар сурати муҳрланган ипак рўмоли, ени калта қўй-лағи, хийла ураниб қолган кедаси ғўшқона-дан жой олди.

Ўзига оро бериш учун аввал ўнг қўли-даги никоҳ узуги ва эркакча соатини ечиб, пардоз столиға қўйди. Апил-тапил юзини чайиб, йўлда қўнган чанг-ғуборини ювиб ташлаган бўлди. Пешинда кўзи илинган экан, ланжлиги кетди. Артинар экан, икки марта туққаниға қарамай, ҳамон тирсиллаб турган бўлиқ сийналарини кўзуга солди. Қафтларининг қирраси билан ёноқларини орқаға тортган эди, навжувонлик чоғла-ридаги каби текисланиб кетди. Бўйнидаги ажинларини эътиборсиз қолдириб, нима ҳам қила оларди, бирпас аввал, тушликдан кейин паромда тозалаган садафдек тишла-риға нигоҳ ташлади. Туклари тоза қирил-ган қўлтиғиға хушбўй оби мушқин суртиб, чўнтағиға насл-насабининг бош харфлари — “АМБ” тикилган енгилгина пахта кўйла-гини кийди. Ҳинди сочларини елкасигача тушириб таради ва кушлар суратланган жияк билан турмақлади. Ниҳоят, лабларига одми лаб бўёғи суриб, кўрсаткич бармоқ-ларини тулуги билан намлади ва туташ-ган қошларини текислаган бўлди. Қулоқ-лари ортиға “Машриқона даррахт” атири-дан енгилгина пуркаганидан сўнг кўзгудай ўз руҳсорига — икки фарзанднинг онасиға, умр шомни балқиб бошлаган аёлға юзланди.

1-6



“Ўз уйингни ўзинг тутун қилма”, деган гап бор. Аспида, бугунги экологик инкирознинг асосий сабабчиси — инсоннинг ўзи. Табиатга нисбатан бепарволик, ортиқча истеъмол, чиқиндиларни дуч келган жойга ташлаш ва яшил майдонларнинг камайиши — буларнинг барчаси инсон омиллари билан боғлиқ. Афсуски, кўп ҳолларда муаммолар чуқурлашиб кетганидан кейингина чора кўришга ҳаракат қиламиз.

“Туянинг юки энгил бўлса, ётагон келар”, деган мақол бу ҳолатга жуда мос келади. Чунки экологик маданиятни сақлаш учун махсус ҳаракат талаб этилмайди. Масалан, чиқиндиларни белгиланган жойга ташлаш, табиатни ифлос қилмаслик, сув ва электр энергиясини тежаш — буларнинг барчаси оддий, аммо муҳим қадамлардир. Аммо ин-

ТАРАДДУД

ТУРФА ГУЛЛАДАРДА ЖАННАТИЙ ИФОР

Наманган шаҳрида Халқаро гуллар фестивалига қизғин ҳозирлик кўришмоқда

Ярим асрдан зиёд вақт мобайнида Наманган шаҳрида “Гуллар байрами” номи билан ўтказиб келинган ўзига хос маънавий-маърифий тадбирнинг Халқаро гуллар фестивали мақомини олганига кўп вақт бўлгани йўқ. Президентимизнинг тавсияларига мувофиқ 2017 йилдан гулчиликка эътибор янгича тус олган.

Шу ўринда тарихга қайтамыз. 1961 йил 19-20 август кунлари Наманган вилоятида илк бор Гул байрами – “Гул кўргазмаси” ўтказилгани ҳақида газеталарда эълонлар чоп этилган, боғ радиоэзолида махсус эшиттиришлар эфирга узатилган.

Байрам тарихида “Газ-21” автомашиналарида гуллар карвони уюштирилган. Аммо ҳақиқий маънодаги Гуллар фестивали 2018 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Чинакам гул карвонлари ҳам сўнгги етти йилда намоиш этилди. Унда юртимизда ишлаб чиқарилган автомашиналар, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш техникалари анвойи гуллар билан безатилаётгани айтиш мумкин.

Бугун Наманган Халқаро 65-гуллар фестивалига ҳозирлик кўряпти. Қаёққа қарамаган, тадбирни юксак савияда ўтказиш бўйича вилоят ҳокимлиги белгиланган режа-тадбирларга мувофиқ кўча ва йўл бўйларига гулу манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари билан шуғулланаётган гулчилару уларга мадад бўлаётган турли касб эгаларини жўшқин иш устида кўрасиз.

Янги Наманган туманида маросимга тадорик юксак маромда давом этмоқда. Шаҳарча кун сайин гўзал кўриниш касб этапти. Айланма чорраҳалар, йўл ёқлари, ташкилот ва корхоналар худудларидаги кўзни қувонтирувчи ранго-ранг гуллар ҳар қандай кишининг эътиборини тортади. Айниқса, вилоят марказидаги Исломо Каримов номи кўчада бир-биридан бетакор гулзорлар ташкил этилаётгани қувонарли. Анжуман муносабати билан туман марказида 1,5 миллион тулдан ортик мавсумий гул кўчатлари ўтказиш режалаштирилган.

Гул экишда иссиққа чидамли, узоқ вақт

очилиб турувчи нав ва кўчатлар танлаш, ҳар бир маскан олдида шароитдан келиб чиқиб, ўзига хос дизайн яратиш асосий эътиборда.

Мазкур марказий кўчанинг Янги Наманган туманидан ўтган қисмининг икки четига асосан вилоят ташкилотлари жойлашган. Хусусан, молия ва иқтисодиёт, боғжона, мактабгача ва мактаб таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, “Агробанк”, “Бизнесни ривожлантириш банки” ва бошқа муассасалар атрофида шу кунларда иш қизғин. Ҳар бир ташкилот ўз худудига гулзорлар барпо этиш ишларини олиб бормоқда.

Наманган (Ўзбекистон) – Кошалин (Польша) ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда. Кошалин шаҳри ҳокими Томаш Соберай ҳамда унинг ўринбосари Беата Горецка ишчи ташриф билан гуллар шаҳрига келди. Делегацияни Наманган вилояти ҳокими Шавкатжон Абдуразоқов қабул қилди. Самимий ва дўстона руҳда ўтган мулоқотда икки худуд имкониятлари ҳақида маълумотлар алмашилди.

Меҳмонлар Наманганда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган халқаро “Гуллар фестивали” ҳақидаги видеороликдан катта таассурот олишди. Юбилей фестивалга Польшадан ҳам кўплаб сайёҳлар келиши таъкидланди.

Бинобарин, “Гуллар фестивали”га ташриф буюрувчи меҳмонлар ҳар галдан икки ҳисса кўпроқ бўлиши кутилмоқда. Айниқса, хориждан келувчилар, энг аввало, аэропортдан чиқиб биланок, шу атрофдаги ҳолатга қараб, фестивалга, қолаверса, вилоятга баҳо берадилар. Наманган халқаро аэропортда олиб борилаётган тадбирлар таҳсинга лойиқлиги бежиз эмас. Бу ерда 140 миллион АҚШ доллари миқдордаги инвестиция ҳисобига янги уч қаватли терминал биноси бунёд этилмоқда. У ишга тушгач, йўловчи ташиш қуввати 2,5 баробар ошади. Қулай шартларга эга чегара назорати, виза бўлими, бизнес зали, савдо ва оватланиш шохобчалари ва бошқа кўшимча қулайликлар яратилди.

Наманган шаҳридаги “Янги Ўзбекистон боғи”да шу кунларда ўтказилган ноёб дарахт кўчатларининг парвариши, ҳу-



Namangan 65

дудни халқаро тадбирга тайёрлаш жараёни авж палласига чиққан. Фестивалнинг оммавий тадбирлари ўтказиладиган амфитеатрни тартибга келтириш, атрофига анвойи ва ноёб гулларнинг кўчатларини ўтказиш, янги ниҳолларни озиклантириш, минерал ўғитлар билан ривожини тезлатиш амалий чоралари кўриломоқда.

Янги Наманган шаҳарчида қурилиш-монтаж жараёнлари қизғин тус олган. Халқаро тадбирлар, бизнес-форумлар ва кўргазмалар ўтказиш учун мўлжалланган “Кўргазмалар маркази” – “CONGRESS HALL” атрофини ободонлаштириш, фестивалга мос тарзда ранг-баранг гуллар ва композициялар билан безатиш ишларига зўр берилляпти.

Шаҳар қиёфасини янада чиройли ва замонавий кўринишга келтириш, аҳоли ҳамда ташриф буюрувчи меҳмонлар учун қулай ва хавфсиз муҳит яратиш масалалари устувор йўналиш сифатида белгиланган. Темир йўл вокзали атрофидаги айланма ҳаракат маркази фестивалнинг рамзий маъносини кўрсатувчи асосий объектдир. Шу боис яратилаётган дизайн ва композицияларга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Умумий кўринишда миллийлик ёрқин акс этиши, гулларни нақш усулида ўтказиш, композициялар барпо қилишда Наманган брендларидан фойдаланилляпти.

Фестивалнинг бош объекти – Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи худудига гул композициялари, ландшафт дизайни ечимлари, тематик безаклар ташкил этилиши режалаштирилган. Ҳар бир мавзуга инновацион ёндашиш, ранг-баранг гул композицияларини яратиш, замонавий ландшафт элементларини жорий этиш ҳамда ташриф буюрувчилар учун қулай ва эстетик муҳит яратиш масалаларига алоҳида урғу берилмоқда. Фотохудудлар, сайр худудлари ва дам олиш масканларини янада кенгайтириш устида иш олиб боришмоқда. “Уч фаввора” хиёбони ҳам мафтункор қиёфа касб этапти.

Бу йил Наманган “Энг кўп гул экилган фестиваль” мақоми бўйича Гиннесснинг Рекордлар китобига кириш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Барча сайёҳаракат-

лар ана шу мақсадни рўёбга чиқаришда мустаҳкам замин бўлади.

Наманганинг ташриф қозоғига айланган Халқаро гуллар фестивали доирасида яна бир тарихий воқеа. 20 апрель кунини Наманган шаҳар ҳокимлиги маъмурий биноси олдида Гиннесснинг Рекордлар китоби (“Guinness World Records”) га кириш учун гул экиш маросимига расмий старт берилди. 20 майга қадар 50 миллион дондан зиёд анвойи гул кўчатлари экиш режалаштирилган. Унга қадар Буюк Британиянинг Лондон ва Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳридаги Бош офиси билан узвий ҳамкорликдаги фаолият онлайн тарзда давом эттирилди. Якунда Бош офис вакиллари анжуманга ташриф буюриб, махсус сертификатни тантанали равишда топширдилар.

Бу – нафақат Наманган, балки Янги Ўзбекистон учун катта ютуқ. Гул шайдо-ларига эса юбилей тўғрисида.

Бу йил 24 майдан 12 июлгача олтимши бешинчи марта ўтказиладиган нафосат анжумани гул шайдоларини ҳар қачонгидан-да хушнуд этиши табиий. Гуллар байрамига ташриф буюрувчи маҳаллий ҳамда хорижий меҳмонлар сафи янада кенгайтиши аниқ. Эртанамо декорациялар, ранг-баранг гуллар, бир-бирини такрорламас композициялар меҳмонларга унутилмас онларни тўхфа этиши тайин. Бу ердан ўрин олган ҳар бир ландшафт рамзий маънога эга. Ҳар бир амалга оширилаётган лойиҳа фестивални юқори савияда ташкил этиш, Наманган шаҳрининг сайёҳлик салоҳиятини ошириш ва унинг халқаро нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши табиийдир.

Гулчевар баҳор Наманганни чиройга буркайди. Халқаро фестиваль сизга ёрқин гуллар, ажойиб тадбирлар ва унутилмас таассуротлар оламини тақдим этади! Гулларнинг сеҳри ва баҳор нафаси сизни кутмоқда! Фестиваль қувончини ўтказиб юборманг, азизлар!

Қосимжон АКБАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси,
“Шухрат” медали соҳибни.

ЕРНИНГ ИККИНЧИ НУСХАСИ ЙЎҚ-КУ!

сонларда ҳатто шу оддий ишлардан қочиб учун ҳам баҳоналар топилади.

Яна бир огрикли жиҳат шундаки, замонавийлашиш ниқоби остида кўплаб яшил худудлар ўрнига бетон ва темирдан иборат бинолар қурилмоқда. Бу эса шаҳарларда “иссиқхона эффекти”ни кучайтириб, ҳаво сифатини ёмонлаштирмоқда. Дарахтлар — табиатнинг “ўпкаси” эканини унутмаслигимиз керак. Улар нафақат ҳавони тозалайди, балки инсон руҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Кўпинча экологини яхшилашни фақат кўчат экиш акциялари билан боғлаймиз. Лекин экилган кўчатларни парвариш қилмаслик, уларни вақтида суғормаслик натижасида кўплаб кўчатлар қуриб қолмоқда. Бу эса муаммага юзак ёндашувнинг ёрқин мисолидир. Аслида, ҳар бир экилган кўчат — келажакка қўйилган сармом, уни асраш эса умумий бурчимиздир.

Бир неча йиллар олдин чиқиндиларни махсус машиналар олиб кетмаган пайтларда ҳам атроф-муҳит бу қадар ифлос эмас эди. Бунинг асосий сабаби — инсонларда экологик маданият, табиатга ҳурмат ва масъ-

сайёраси экотизимига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу жараёнлар давом этса, инсоният ўз келажagini хавф остига қўяётганини англаш қийин эмас.

Шу ўринда бир савол туғилади: ўзимизда бор неъматларни қадрлаш, табиатга шукур қилиш вақти келмадими? Табиатнинг ҳам сабр ҳосаси бор ва у чексиз эмас. Агар биз уни асрамасак, у ҳам ўз навбатида жавоб қайтариши мумкин.

Бугунги экологик вазиятни телефон батареяси 5 фоиз қолган ҳолатга қиёслаш мумкин. Биз буни кўриб турибмиз, аммо “хали ишляпти” деб эътиборсизлик билан қараямиз. Лекин бир кун келиб бу “қувват” тугайди. Ушунда кеч бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳар биримиз ўзимиздан бошлашимиз керак: чиқиндиларни саралаш, табиатни ифлос қилмаслик, кўчатларни асраш, сув ва энергияни тежаш — булар кичик қадамлар бўлса-да, катта ўзгаришларга олиб келади. Ахир ернинг иккинчи нусхаси йўқ-ку!

Зарина ТҲҲУНОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика йўналиши магистранти.

ЁД ЭТИБ

ДАДАМ ҲАҚИДА

Ёшим саксонни қоралади. Бунинг учун Яратган Аллоҳимга беадад шукрлар қиламан. Кўзим очқлигида бир ҳаётлий ҳақиқатни баён этишни кўпдан буён кўнглимга тугиб келдим. Бу ҳақиқатни нафақат менинг отамнинг номи билан, балки ўзбек балет санъатининг тарихи билан ҳам боғлиқ бўлгани сабабли уни газетхонлар билан баҳам кўрмоқчиман.



Менинг дадам ана шу сахнада неча-неча образлар яратди: “Богчасарой фаввораси”да Воршлав, “Дон Кихот”да масхарабоз, афсонавий композитор П.Чайковскийнинг “Оқ қуш кўли”да Зигфрид қиёфасида дадам — Ҳамидулла Ғафуров чиққан! “Доктор Айболит”да қизил хўроз образида иштирок этганини ўзим бир неча бор кўрганман.

Балет — дунё санъати қироли ҳисобланади. Очиғини айтганда, бу санъат тури бизда у қадар оммалашганича йўқ. Бунинг сабаби кўп, албатта. Мен дадамнинг ижодий фаолияти, яратган образлари юзасидан мутахассис сифатида фикр-

мулоҳаза билдирадиган, баҳолай оладиган санъатшунос топилишни жуда-жуда истадим. Афсуски, миллий балет санъати тарихи ва босиб ўтган йўли билан шуғулланувчи тадқиқотчи, изланувчи йўқлигидан ҳайратга тушдим. Наҳотки бу борадаги кемтиклик соҳа фидойилари эътиборидан четда қолса?! Наҳотки ёш мутахассислар бу соҳани тадқиқ этмасалар, хотиралар яратмасалар?..

Шахсан ўзим дадам орқали Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Ҳалима Носирова, Галия Измайлова, Бернора Қориева, Иван Проценко, шунингдек, Москва балет мактабининг бир неча машҳур намояндаларини танидим. Дадам гарчи балет раққоси бўлсалар-да, умуман, бадиий ижод дунёси кенгликларини жуда яхши билар эди. Тўхтасин Жалиловнинг “Гулсара”, Мухтор Ашрафийнинг “Дилором”, Манас Левиевнинг “Майсаранинг иши” опералари, шунингдек, Чайковскийнинг “Оқ қуш кўли”, Вердининг “Травиата”, Аданнинг “Жизел”, Глинкиннинг “Князь Игорь” асарлари ҳақида соатлаб қайнаб-жўшиб ҳикоялар қилишдан чарчамас, энди сира иккиланмай айтманки, уша ҳикоялар чинакам санъат, гўзаллик ва нафосат сабоқлари эди.

Дадам ўзи яшаган Тошкентдаги “Нишабарик” (собиқ Абдулхай Тожиёв номидаги) маҳалласи фаолларидан эди. Маҳалла аҳлининг яхши ва оғир кунларида четда қолмасди.

— Ҳамидулла ака Ғафуров туғма санъаткор эди, — деб хотирлайди Ўз-

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет раққоси Ҳамидулла Ғафуровни биласизми?

бекистон халқ раққоси, академик Алишер Мирзо, — каттаю кичикка гоғятад меҳрибон, ғамхўр. Айниқса, маҳалламиздаги тўй-ҳашамларда беминанат хизматдан қочмас, анча ёшга борган эсалар-да, ўз рақслари билан давраларни қиздириб юборар эдилар.

Таниқли адиб Шодмон Отабек дадам ҳақида мақола ёзганди. “Болалигимда, — деган сўзлари келтирилган эди дадам ҳақидаги ўша мақолада, — Ғулмо Зафарийнинг “Ҳалима” спектаклини кўрдим-у, шу-шу хаёлимни театр билан боғладим. Олдинига театрда оддий ишчи-хизматчи эдим. Тошкент театр техникумининг балет студиясида ўқидим. Навоий театрида раққос бўлдим. Проскурин, Обухова каби машҳур санъаткорлар билан ижодий ҳамкорлик қилдим. Театрда етакчи ролларни ижро эта бошладим”.

Дадам 1999 йилда 83 ёшда дунёдан кўз юмдилар. Йиллар ўтаверди, авлодлар ўтаверди, аммо ўтганлар ёди ўчмаслиги керак деб ўйлайман. Хусусан, дадам сингари миллий санъатимиз ҳақида қолдирган из ўчиб кетмаслиги учун ҳам биз тириқлар сайёҳаракат кўрсатиб қолмоғимиз бурчимиз, мажбуриятимиз деб ўйлайман. Зеро, балет санъати тараққиёти йўлида ҳукуматимиз томонидан кўрсатилган ҳозирги пайтдаги ғамхўрлик тўлқинида соҳа тарихи ҳам унутилмаслиги керак.

Мавлуда ҒУЛОМОВА,
Тошкент шаҳри.

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

